

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ВА ИНСОНПАРВАР ҚИЁФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида бюрократияни бартараф этиш масалаларига бағишланган халқаро форумнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.



Форумда Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматлари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг юқори мартабали вакиллари, давлат хизмати соҳасидаги етакчи экспертлар ва жамоатчилик фаоллари қатнашмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида анжуманни ташкил этишдаги кўмаги учун Бирлашган Араб Амирликларининг Ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Гаргавийга самимий миннатдорлик билдирди. Ушбу мамлакат халқи

ва раҳбариятини яқинлашиб келаётган айём — Бирлашган Араб Амирликлари ташкил этилган кун муносабати билан муборакбод этди. — Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда “Халқ давлат идораларига



эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган инсонпарвар ғояга амал қиялпмиз, — деди Президентимиз. Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли ва бизнес учун бюрократия,

оворагарчилик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва рақамлаштириш, давлат органлари фаолиятини

мақбуллаштириш, аҳоли билан давлат идоралари ўртасида тўғридан тўғри мулоқот ўрнатиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

➔ Давоми 2-бетда

ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Гаргавий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашув аввалида вазир давлатимиз раҳбарига БАА Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳён ва мамлакат Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амири Шайх Муҳаммад Ол Мактумнинг самимий саломини ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — БАА дўстлиги ва стратегик шериклигини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, жорий йилнинг январь ойида БААга амалга оширилган олий даражадаги ташриф доамида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда БАА ҳукумати билан 40 дан ортиқ йўналишларда 300 дан зиёд қаторидан ўрин олди. “Ҳукумат акселератори”, “Бир миллион дастурчи” ва “Ёш етакчилар” каби муҳим дастурлар амалга оширилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича қабул қилинаётган янги беш йиллик дастурни кенг кўламда амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Бюрократияни камайтириш, сунъий интеллект соҳасида 5 миллион нафар промпт-муҳандисни ўқитишда БААнинг илгор тажрибасини жорий этиш ҳамда “Ёш авлод” ва “Китоб челленж” лойиҳаларини йўлга қўйиш бўйича ҳамкорлик режаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирларга пухта тайёргарлик кўришга келишиб олинди.

Учрашув якунида Президент Шавкат Мирзиёев ва вазир Муҳаммад ал-Гаргавий Ўзбекистон — БАА муносабатлари тарихига бағишланган кўргазма билан танишди.

ЎЗА

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ ҲАЁТГА ФАОЛ ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Халқаро конгресс марказида сунъий интеллект бўйича халқаро форумнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Тадбирдан аввал давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ёшлари томонидан яратилган сунъий интеллект лойиҳалари ва стартаплар тақдимоти билан танишди.

Иқтидорли ёшлар билан мулоқотда давлатимиз раҳбари ахборот технологиялари соҳасининг стратегик аҳамияти, унинг мамлакат барқарор ривожини ва рақобатбардошлигида ҳал қилувчи ўрин тутаётганини алоҳида таъкидлади. Тақдим этилган турли соҳаларга оид инновацион ишланмалар Ўзбекистонда шаклланаётган замонавий рақамли экотизим ҳамда амалга оширилаётган ислохотларнинг реал самараси эканлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, Президент стартап ва технологик ташаббусларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини жорий этиш, ишланмаларни миллий миқёсда амалиётга татбиқ қилиш ҳамда уларни халқаро бозорга олиб чиқиш муҳимлигини таъкидлади. Бу бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари форумнинг очилишида нутқ сўзлар экан, унинг барча иштирокчиларини самимий қутлади.

XXI асрда ахборот технологиялари ва рақамлаштириш ҳар бир мамлакат тараққиётининг асосий мезони сифатида намоён бўлмоқда.

Сунъий интеллект эндиликда фақат айрим соҳалар учун эмас, балки иқтисодиётнинг барча тармоқлари, давлат бошқаруви ва кундалик яшаш тарзини таъминлашга қўл қўйиб келаётган фундаментал омилга, ҳаётий заруратга айланмоқда.

— Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврида улкан ном қозongan буюк олимлар Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек алгоритм, математика, мантик фанлари равнақига муносиб ҳисса қўшиб, ҳозирги сунъий интеллект ривожини учун асос солишда қатнашган, десак, асло муболага бўлмайди, — деди Президентимиз.

Ана шу бебаҳо мероснинг давомчилари сифатида энг илгор, замонавий технологияларга очиқ бўлишимиз, уни тараққиётимизнинг кучли таянчига айлантиришимиз зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Сунъий интеллект трансформациясини амалга ошириш учун илк қадам сифатида дунёдаги етакчи давлатларнинг энг илгор тажрибаси асосида Миллий стратегия

қабул қилиниб, ҳаётга фол татбиқ этила бошланди.

Бунинг натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотига рақамли иқтисодиёт улуши икки қарра ошди. Сунъий интеллект ва рақамли технологиялар йўналишида қарийб 2 миллиард доллар тўғридан тўғри инвестициялар жалб этилди.

Мамлакатимизда АТ хизматларининг экспорти ҳажми ўтган йилларга нисбатан 4,5 қарра ўсиб, 1 миллиард долларга яқинлашгани ҳам ушбу соҳадаги ислохотларнинг натижадорлигини яққол тасдиқлайди.

Шунингдек, куни кеча илк бор инглиз ҳуқуқига асосланган махсус режимида фаолият юритадиган Рақамли технологиялар халқаро маркази ташкил этилди.

АТ соҳасида таълим бераётган олий таълим муассасалари қарийб 3 бараварга ошиб, 145 тага, талабалар сони эса 80 минг нафарга етди.

Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда 2019 йилда бошланган ташаббус — “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида икки миллиондан ортиқ ёшларимиз билим ва кўникмаларини оширди. “Эл-юрт умиди”

жамғармаси орқали бу борада 100 га яқин ёшларимиз дунёнинг энг нуфузли университетларида таҳсил олмоқда.

— Биз ишонамиз: улар эртага юртимизга қайтиб, сунъий интеллектнинг энг сўнгги ютуқларини таълимга, иқтисодиётга, давлат бошқарувида жорий қилишда етакчи кучга айланади, — деди давлатимиз раҳбари.

Бундан ташқари, сунъий интеллектни таълим тизимига жорий этиш, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, мактаб ва университетларда соҳа бўйича саводхонликни ошириш дастурлари амалга оширилмоқда. Сунъий интеллект технологиялари тармоқлар самарадорлигини, айниқса, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини оширишга янги куч ва мазмун бағишламоқда.

Хусусан, рақамли диагностика тизимлари жорий этилиши натижасида 50 мингдан ортиқ беморга сунъий интеллект ёрдамида аниқ ташхис қўйилди. Бу шифокорларнинг иш юклагисини сезиларли даражада камайтириб, тиббий хизмат кўрсатиш вақтини 5-7 баробар қисқартирди.

➔ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПОЗИЦИЯСИ

Минтақада янги сиёсий тафаккур даврини бошлаб берди

“Янги Ўзбекистон етакчисининг кучли сиёсий иродаси”, “Марказий Осиё руҳи уйғонди. Минтақада янгича сиёсий тафаккур шаклланди”, “Ривожланган давлатлар Марказий Осиё билан ҳамкорлик қилиш учун мусобақалашмоқда”.

Сўнгги вақтларда медиа оламида бу иборалар тез-тез тилга олинапти. Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви жараёнида эса “Янги Марказий Осиё олти-лиги” деган ибора халқаро сиёсий атамалар қаторидан ўрин олди. Ана шундай эътирофлар, минтақамиздаги ижобий ўзгаришлардан Марказий Осиёликлар бирдек қувонди. Бунинг ахборот макони шу мавзудаги ижобий фикрлар майдонига айланганида ҳам кўриш мумкин. Чунки мана шундай бирдамлик, қўшни

давлатларнинг ҳамфикр, ягона минтақа бўлиб иш кўриши, ўз келажагини белгилаши халқларимизнинг асрий орзуси эди. Ҳозирги тарихий жараён олдимизга бир нечта муҳим талабни қўяди. Аввало, бутунги даражага етиб келишимизнинг асосий сабабларини теран таҳлил этишимиз зарур. Қолаверса, кечаги кунимиздан сабоқ олиб, минтақа халқлари янада жипслашиб келажак сари олға бориши керак.

➔ Давоми 3-бетда



САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА ҚАТЪИЙ МУҲЛАТ БЕЛГИЛАНДИ



Жаҳонда туғилиш камайиб, аҳолиси тобора қариб бораётган давлатлар борлигини билсак ёки ёшлар келажак учун қанчалик муҳим кучлиги ҳукусидаги маълумотларга кўзимиз тушса, болажон халқ эканимиздан ғурурланиб қўямиз.

ЁШЛАР – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДКОРИ

Тўғри-да, тўқис оилага нима етсин! Ўзбекилик — уйимиз ҳар доим болалар шовқинига тўлиб туришига ўрганиб қолганмиз. Фарзандларимиз, невараларимиз ютуқларидан улардан кўра юз чандон қувонамиз. Камolini кўриб фахрланамиз. Бошқача ҳаётини тасаввур этишимиз қийинроқ. Назаримизда,

бугун биз кўп гапирётганимиз — “инсон қадри” тушунчаси ҳам ана шундай қадрият ва қарашлар асосида пайдо бўлган. Чунки инсонийлик ўзаро мулоқотда юзага чиқади. Меҳр-оқибат ҳамжиҳатликда, аҳилликда шаклланади.

➔ Давоми 5-бетда

СУНЪЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ ҲАЁТГА ФАОЛ ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Яна бир мисол. Қорақалпоғистонда ўт-казилган умуммиллий “Саломатлик марафони” доирасида 45-65 ёш орасидаги аёллар ўртасида 4 мингга яқин маммография текшируви амалга оширилди.

Дастлабки текширув тасвирларининг 70 фоизи юртимиз мутахассислари томонидан яратилган сунъий интеллект платформаси орқали таҳлил қилиниб, уларнинг 98 фоизи шифокорлар томонидан тасдиқланди. Ташхис қўйиш вақти бир неча кундан икки соатгача қисқарди.

АТ соҳасидаги инновацион экотизим ҳам сезиларли ўсди. Стартлаплар сони сўнгги йилларда 10 баравар ошиб, умумий ҳисобда 300 миллион доллар инвестиция жалб қилинди.

Давлатимиз раҳбари форумда иштирок этаётган халқаро ташкилотлар ва жаҳоннинг етакчи компанияларини юртимизда сунъий интеллект соҳасини ривожлантириш бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликка чақирди.

Хорижий экспертлар кейинги беш йилда сунъий интеллект технологиялари Ўзбекистон иқтисодиётида камида 10 миллиард долларлик қўшимча қиймат яратишини прогноз қилди.

Бундай юқори кўрсаткичларга эришиш учун барча зарур асослар ва имкониятлар мавжуд.

2030 йилга қадар фақат АТ хизматлари экспортини 5 миллиард долларга етказиш, соҳада етишиб чиқадиغان миллионлаб ёшлар учун юқори даражадали иш ўринларини яратиш бўйича катта марралар олингани таъкидланди.

Юртимизда сунъий интеллект экотизимини барча соҳаларда жорий этиш мақсадида келгуси йил АҚШнинг “Nvidia” компанияси билан катта супер компьютер кластери ишга туширилади.

— Асосий мақсадимиз — Ўзбекистонни нафақат замонавий технологиялар истеъмолчиси, балки уларни яратадиган,

экспорт қиладиган ва глобал миқёсда рақобатлаша оладиган давлатга айлантиришдир. Миллий маҳсулотларимизни халқаро бозорга йўналтириш борасида АҚШнинг Кремний водийсида Миллий трансфер офисини очиб, ёшларимиз ва стартап асосчиларини йирик компаниялар, инвестор ва акселераторлар билан тўғридан тўғри боғлаш имкониятини яратамиз, — деди Президент.

Эндиликда ёшларимиз мактабдан ташқари ҳам сунъий интеллект билан ишлаш кўникмаларига ўргатилади. Бунинг учун юртимизнинг барча ҳудудларида “Келажак марказлари”да СИ мактаб дастури жорий қилинади.

Мамлакатимизда мактаблар ўртасида ҳар йили сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап гоёлари бўйича танлов ўтказиш тизими йўлга қўйилди.

Республикадаги 14 та ҳудуднинг ҳар бирида ғолибликни қўлга киритган мактабда энг замонавий сунъий интеллект лабораторияси ташкил этилади ва гоёларни тижоратлаштириш бўйича илғор компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатилади.

Соҳадаги истиқболли ёшларни аниқлаш ва уларни қўшимча рағбатлантириш мақсадида “Сунъий интеллект бўйича Президент танлови” ташкил этилади.

Чекка туманлардан тортиб, республика даражасигача ҳар йили 100 нафар энг иқтидорли ёшлар саралаб олинади. Улар АҚШ, Бирлашган Араб Амирикллари, Европанинг илғор технологик компанияларига стажировкага юборилади. Кейинги босқичда олийгоҳлар учун ҳам ушбу амалиёт жорий этилади.

Юқорида айтилган мақсадлар учун 100 миллион доллар ажратилади ҳамда мазкур маблаг катта режалар ижросини таъминлашга йўналтирилади.

— Бугун биз Бирлашган Араб Амирикллари билан ҳамкорликда “Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг узвий давоми сифатида “5 миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасига старт берамиз. Бу

оддий дастур эмас, балки ёшларимиз учун янги имкониятлар оламидир, — деди давлатимиз раҳбари.

Лойиҳа доирасида 2030 йилга қадар 4 миллион 750 минг мактаб ўқувчилари ва талабалар, 150 минг нафар ўқитувчилар ҳамда 100 минг нафар давлат хизматчиларини ўқитиш кўзда тутилган.

Бунда сунъий интеллект мактаб, касб таълими ва олий таълим тизимларига ҳам интеграция қилинади.

— Ишонамнки, “5 миллион сунъий интеллект етакчилари” дастури келгусида иқтисодиёт драйверига айланиб, мамлакатимизнинг жадал тараққиёти учун шиддат бағишлайди, — деди Президентимиз.

Сафлари тобора кенгайиб бораётган иқтидорли ва ўтюрак ёшлар Янги Ўзбекистоннинг олтин авлоди, чинакам ғурури ва ифтихоридир. Куни кеча юксак интеллектуал салоҳиятли ёшларимизнинг ёрқин вакили бўлган Жавоҳир Синдоров Ҳиндистонда шахмат бўйича Жаҳон кубогида ғалаба қозониб, ўзбек ёшларининг нималарга қодирлигини бутун дунёга яна бир бор кўрсатди.

Кунни кеча давлатимиз раҳбарининг фармонида биноан Жавоҳир Синдоров “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвони билан тақдирланган эди.

Форумда Президентимиз Жавоҳир Синдоровга ушбу юксак унвонни тантанали равишда топширди.

Давлатимиз раҳбари сунъий интеллектни кент тарғиб қилиш, юртимизга илғор мутахассис ва экспертларни жалб этиш, иқтидорли ёшларни соҳага янада қизиқтириш, уларни рағбатлантириш мақсадида мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойини “Ёшлар учун сунъий интеллект ойлиги” деб эълон қилиш, унинг доирасида “Ипак йўли сунъий интеллект форуми”ни ўтказиб боришни тақлиф қилди.

Маросим якунида Ўзбекистонда “5 миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасига старт берилди.

ЎЗА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ВА ИНСОНПАРВАР ҚИЁФАСИ

Бошланиши 1-бетда

Сўнгги йилларда республикаимизда бюрократияни қисқартиришга қаратилган 9 та фармон ва қарор қабул қилинди. Давлат хизматлари марказлари, Ягона портал платформаси, “Рақамли ҳукумат” каби тизимларнинг ташкил этилиши натижасида давлат хизматлари халқимиз учун янада қулай, тезкор ва шаффоф бўлмоқда.

Хусусан, 2017 йилда фақат 444 турдаги давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 1 минг 40 тага етди. Бунда кўрсатилган хизматлар сони қарийб 10 баробарга кўпайиб, 55 миллиондан ошди. 90 дан ортиқ хизматларни проактив ва композит шаклда кўрсатиш йўлга қўйилди.

Масалан, туғилиш билан боғлиқ хизматларнинг композит шаклда кўрсатилиши ҳар йили қарийб 1 миллион фуқарога қулайлик яратмоқда. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий нафақалар, шунингдек, ёшга доир пенсия тайинланиши аҳоли муносабатларисиз автоматик тарзда амалга оширилмоқда.

Рақамлаштириш натижасида 30 турдаги хизматларни реал вақт режимда олиш имконияти яратилди. Жорий йилнинг ўзида 8 миллионга яқин хизматлар автоматик равишда кўрсатилди. Хужжат алмашинувиининг электрон шаклга ўтказилиши аҳолининг йилгига 23 миллиард сўм маблағлари тежаллишига имкон бермоқда.

Шу билан бирга, бизнес вакилларига ҳам енгиллик ва қулайликлар яратиш мақсадида 160 дан зиёд лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. 150 дан ортиқ рухсатномалар бугунги кунда электрон шаклда берилмоқда, 140 турдаги хужжат ва маълумотларни талаб қилиш амалиётига чек қўйилди.

Давлат хизматлари экстерриториал тамойил асосида кўрсатила бошланди. Шунингдек, “Бизнесни 15 дақиқада бошлаш” тамойили амалиётга жорий этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бугун бюрократияни камайитириш бўйича алоҳида дастур таъдиқланганини маълум қилди. Ушбу хужжат, энг аввало, давлат ва аҳоли, давлат ва бизнес ҳамда давлат тузилмасининг ички муносабатларида бюрократияни бартараф этиш, ҳар

томонлама қулай давлат хизматлари экотизimini яратишни назарда тутди.

— Пировард мақсадимиз — 2030 йилга қадар Ўзбекистонни ортиқча бюрократиядан холи бўлган ҳудудга айлантиришдан иборатдир, — деди Президент.

Дастур доирасида 2030 йилга қадар амалга ошириладиган муҳим вазифалар белгиланолди. Жумладан, давлат хизматлари сони 1,5 мингтага, электрон хизматлар улуши 95 фоизга етказилади. Келгуси йилнинг ўзида 250 та хизматлар электрон шаклга ўтказилади. Масалан, автотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш, қўшилган қиймат солигини қайтариш каби хизматлардан электрон фойдаланиш йўлга қўйилди.

Янги Ўзбекистонда “Қоғозсиз ҳукумат” тизимига тўлиқ ўтилиб, қоғоз айланмасидан бутунлай воз кечилади. Мавжуд 40 миллион хужжатлардан 25 миллиони, шундан кейинги йилнинг ўзида 5 миллиони рақамлаштирилади.

Проктив ва композит хизматларнинг сони 400 тага етказилади. Келгуси йилнинг ўзида 180 турдаги бундай хизматлар жорий этилади.

— Натижада фуқаро муносабат қилмасдан унга хизмат кўрсатиладиган тизимга ўтамыз, — деди давлатимиз раҳбари.

Шунингдек, барча давлат хизматлари хатловдан тўлиқ ўтказилади. Бунда бир-бирини такрорловчи, кераксиз, фуқароларга юк бўлаётган талаблар бекор қилинади.

Лицензия ва рухсатномалар бериш, коммунал тармоқларга улаиш, қурилиш соҳасида 300 дан ортиқ давлат хизматлари соддалаштирилади. Масалан, 4 та коммунал тармоққа ягона ариза асосида улаиш имконияти яратилади.

Хизмат кўрсатиш муддатлари кескин қисқартирилади ҳамда ортиқча хужжат ва маълумотлар талаб қилиш бекор қилинади.

100 дан зиёд давлат хизматларининг кўрсатиш муддатлари 50 фоизга қисқаради. 110 дан ортиқ маълумот ва хужжатлар талаб қилиш тўлиқ бекор қилинади.

Давлат хизматлари портали, “Лицензия” тизими, “Ягона дарча” божхона платформаси ва колл-марказлар тўлиқ сунъий интеллект асосида ишлашга ўтади.

ЎЗА



Муносабат

ЖИДДИЙ МУАММОГА ҚАРШИ УСТУВОР ЧОРАЛАР

Бугунги кунда атмосфера ҳавоси ифлосланиши энг ўткир глобал муаммолардан бирига айланди. Пойтахтимиз ҳаво ифлосланиши бўйича халқаро рейтингларда тез-тез “етақчи”га айланаётганига доир ижтимоий текморлардаги хабарлар вазият ўзимизда ҳам нақадар жиддий эканидан далолат беради.

Юртимизда ўтказилаётган гидрометеорологик тадқиқотлар ва кузатувларга кўра, бу йил 1917 йилдан кейинги энг қуруқчил йил бўлди. Май ойида бир-икки ёғинли кунларни ҳисобга олмаса, кузнинг сўнгги ойи низоҳисига етаётган бўлса-да, ҳамон ёғиндан дарак йўқ. Бу ҳолат атмосферанинг табиий ювлишини тўхтатди. Шунинг ҳисобига ва бошқа техноген омиллар таъсирида ҳаводан чанг аримаяпти. Ҳаводаги чанг эса инсон саломатлиги ва экологик муҳит барқарорлигига жиддий таҳдид туғдиради. Шу боис, бу нохуш ҳолат жамоатчиликни жиддий ташвишга солмоқда.

Илм-фан ва технологиялар юксак тараққий этган бугунги даврда бундай экологик муаммоларга оқилона ечим топиш ва барқарор ривожланишга эришиш, аввало, ҳар бир инсондан табиатга меҳр ва оқибат билан ёндашишни талаб этмоқда. Қолаверса, табиий мувозанатни таъминлаш ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни талаб этади. Зеро, табиат бизнинг ягона яшаш маконимиз, тириклик ва ҳаёт давомийлигининг муҳим омилдир.

Жумладан, ҳаво ифлосланиши билан боғлиқ вазиятни олдиндан прогноз қилиш

ва оқибатларини юмшатиш чораларини кўриш орқали экологик мувозанатни яхшилашга эришиш мумкин. Модомики шундай экан, юртимизда бу борада қандай чоралар белгиланган, бу йўналишда нима ишлар қилинмоқда?

Мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттиришга қаратилган стратегик хужжатларда бу масалага алоҳида ёндашилган. Масалан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг мегаватт ҳамда жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш, санаатда “яшил сертификат”лар бозорини ривожлантириш белгиланган.

Ҳар йили 200 миллион туپ даррахт экиш орқали яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш, 2 мингга яқин яшил боғ барпо этиш, шаҳарлар бош режаларини тузишда улар ҳудудининг камида 30 фоизини яшил майдонлар ташкил этишини таъминлаш каби устувор вазифалар ҳам белгиланган. Биргина Оролбўйининг 2 миллион гектардан ортиқ чўл ҳудудларида қуруқчиликка чидамли ўсимликлар экилгани бу борадаги ишлар салмоғидан далолат беради.

Сўнгги кунларда минтақамизда рўй бераётган экологик нохуш ҳолатларини бартараф этиш ва табиатга салбий таъсирларини камайитириш борасида мавжуд вазиятдан келиб чиқиб жиддий чоралар қўйилди. Президентимизнинг шу йил 24 ноябрдаги “Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борада яна бир муҳим дастуруламал хужжат бўлди. Фармонга мувофиқ, пойтахтда экологик муаммоларни бартараф этиш ва ҳаво сифатини яхшилаш мақсадида махсус комиссия тузилди. Мавжуд экологик ҳолатни эътиборга олиб, тезкор ва муво-

фиқлаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш, ҳаво ифлосланишининг олдини олиш мақсадида экологик назоратни кучайтириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича тегишли вазифалар белгиланди.

Жумладан, Тошкентда қурилиш майдонлари назорати кучайтирилади. Катта қурилиш майдонларида мониторинг станциялари мажбурий бўлади. Пойтахтда микроклим барқарорлигини таъминлаш бўйича йирик лойиҳалар бошланади. Уч ой муддатда шаҳарнинг тўрт йўналиши бўйлаб камида учтадан сунъий кўл ва сув ҳавзаси барпо этилади. Шу билан бирга,



— сув. Эски фаввораларни қайта ишга тушириш, янги фавворалар қуриш чоралари қўрилмоқда.

Бундан ташқари, яшил ҳудудларни кенгайтириш масаласига алоҳида урғу берилмоқда. Дарахт кесишга қарши чекловлар кучайтирилди. Бу нафақат чангни камайитириш, балки ёғин жазирамани юмшатиш учун ҳам муҳимдир.

Мамлакатимизда атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга оид қонунчилик талабларига қай даражада rioя қилаётгани ўрганилди. Ўрганишлар натижасида 38 та ҳуқуқбузарлик аниқланди, ҳуқуқбузарликка йўл қўйган шахсларга нисбатан жами 34,8 миллион сўм миқдорда маъмурий жарима қўлланилди. Шунингдек, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатган ва қонун талабларини бузган 18 та объект фаолияти вақтинча тўхтатилди. Рейд тадбирлари давом этмоқда.

Шу тахлит давлатимиз томонидан юртимиз ва минтақамизда рўй бераётган бугунги оғир экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича барча чоралар қўрилмоқда. Бу ишлардан мақсад халқимизнинг соғлом атроф-муҳитда яшашга бўлган ҳуқуқини таъминлаш, келажак авлодларга мусоффо, беғубор табиат, экологик соф муҳитни мерос қилиб қолдиришдир. Бундай хайрли ишлар бардавом бўлиши эса ҳар биримиздан фаоллик ва ҳаракат, табиатга оқилона ёндашувни талаб этади.

Фаоллик ҳам аслида катта юмуш эмас. Яшаш жойимизни обод этиш, бир туپ бўлса-да ниҳол экиб, уни улкан дарахтга айлантириш, чиқиндини белгиланган жойга ташлаш, сувни исроф қилмаслик, автоуловимиздан чиқаётган зарарли газларни назорат қилиш, маҳалламиздаги экологик лойиҳаларга ўз ҳиссамизни қўйишга интилиш каби кичик амалларимиз табиат софлиги учун муносиб ҳиссамиз бўлади. Зеро, табиатни сийласак, у ҳам бизни сийлайди. Ана шундай хайрли ишларга камарбаста бўлиш ҳар биримизга нисбатан эҳсон!

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Аввало, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви доирасидаги расмий тадбирларнинг икки жиҳатига эътибор қаратсак. **Биринчиси**, юртимизга таширф буюрган давлатлар раҳбарларини Президентимиз “Тошкент-Хумо” халқаро аэропортида кутиб олиб, кузатиб қўйди. Ана шу кутиб олиш ва кузатиш жараёнида ўзаро юксак самимият, дўстона муносабатни илғаб олиш мушкул эмасди. Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш керак, назаримда. Бу ҳам бўлса, меҳмонларнинг янги иш бошлаган “Тошкент-Хумо” халқаро аэропортида кутиб олинishiдир. Ўйлашимча, ушбу аэропортида илк бор қўшни, қардош халқлар етакчиларининг кутиб олинishiда ҳам катта рамзий маъно бор.

Аэропорт қурилиши 2017 йилда бошланган. Айнан уша йили давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлаб, минтақа давлатлари Президентларининг мунтазам учрашувларини ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди. Ҳа, янги Ўзбекистондаги халқ дипломатияси билан бир вақтда замонавий, барча талабга жавоб берадиган аэропорт қад ростлай бошлады. Эътиборлиси, у энг оғир самолётларни ҳам қабул қилиш имкониятига эга. Мухими, у ICAO III-A тоифасидаги илгор радиотехника ва метеорология ускуналари билан жиҳозланади. Бу нуқолай об-ҳаво шароитида ҳам учиб ва қўниш имконини беради. Ушбу аэропорт куриб битказилганида давлатимиз раҳбари: **“Кўп йил тайёргарлик қилиб, мана шундай аэропорт қурдик. Бу ҳам давлатчиликнинг яна бир замани”**, дегани замирида қандай маъно борлиги энди аниқлашди.

Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекона дипломатия, кўп векторли сиёсат ҳам муайян маънода мана шу аэропортга ўхшайди. Дунё сиёсатидаги об-ҳавонинг қандай ўзгариши олдиндан тахмин этилиб, ҳар қандай оғирликдаги масала нафақат миллий, балки умуминсоний манфаатлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳал қилинади. Яна бир жиҳат шуки, аэропорт Янги Тошкент ҳудудида жойлашган. Бу — Янги Тошкент дўстларини ҳар қандай об-ҳаво шароитида хавфсиз, қулай кутиб олиш имкониятига эга дегани. Айни шу жиҳати билан аэропорт муайян маънода янги Ўзбекистон позициясини ҳам ифодалайди.

Янги Ўзбекистон позицияси эса меҳмонлар таширф буюрган яна бир манзил — янги цивилизацияси марказида ўз аксини тўла топди деб ўйлайман. Президентимиз ташаббуси билан бунёд



Минтақада янги сиёсий тафаккур даврини бошлаб берди

этилган марказда халқимиз ўтмиши, бутуни ва келажаги қиёфаси акс эттирилди. Ислон цивилизацияси марказида бешта бўлим бор. Улар “Ислондан аввалги цивилизациялар”, “Биринчи Ренессанс”, “Иккинчи Ренессанс”, “Ўзбекистон XX асрда” ва “Янги Ўзбекистон — Янги Ренессанс”дир. Агар мамлакатимиз тарихини ушбу бўлимлар кесимида ўргансангиз, халқимиз доим илм-фани биринчи ўринга қўйиб, дўстликни тараннум этгани, юксак тафаккури билан халқаро низолаарга барҳам берганига гувоҳ бўласиз. Масалан, бундан 3000 йил аввал аждодларимиз инсониятга тортиқ этган “Авесто” ҳам айни мақсадга хизмат қилган. Айтишларича, ўша даврда турли ғоялар, ақидалар авж олган. Шунда аждодларимиз “Авесто” тимсолидаги умуминсоний ғоя, инсонпарварлик фалсафаси ила эзгулик жамиятига асос солди. Шу боис, бу масканни тарих, бутун ва келажакни боғлайдиган, тараққиётимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берадиган ақл-тафаккур маркази, десак янглишмаймиз. Зеро, ушбу марказ орқали миллий ўзгичимизни аниқлаш ва аниқлашни бош мақсад қилиб олганмиз.

Бутун ҳам дунёда турли низолаар авж олган. Кўз ўнгимизда қарашлар, қадриятлар ўзгариб борапти. Дунё тарихидан маълумки, бундай вазият инсоният учун янгилик эмас. Аммо ана шу мураккаб вазиятдан омон ўта олиш доим янгича қарашларни, руҳий, жисмоний қувватни талаб этади. Кўҳна очун соломларни яна бир ҳақиқатни очади: шундай мураккаб вазиятларнинг ақсариётидан дунё халқлари Шарқда порлаган маърифат маёғи сабаб омон чиққан. Ислон цивилизацияси маркази асримизнинг мана шундай маърифат маёғидир!

Шу ўринда кичик мулоҳаза. Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро таъкисиёсатдаги нуфузи юксалиб бормоқда. Буни president.uz сайтига қарашингиз билан аниқлайсиз. Ушбу сайтдаги таширфларга доир хабарларнинг ақсариёти халқаро муносабатларга алоқадор. Мухими, бу сафарлар географик жиҳатдан ҳам кенг қамровлидир. Шунинг ўзиде, мамлакатимиз геосиёсатда фаол, ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини аниқлашди. Айни пайтда Марказий Осиё бутун дунёга дўстлик ва ҳамкорлик минтақаси сифатида танилганини исботлайди.

Бу бизнинг асрий орзумиз эди. Жадид боболаримизни эсга олинг. Аждодларимиз нимани орзу қилиб, қандай мақсад учун жонини фидо этди? Албатта, улар юрт озодлиги, халқ фаровонлиги йўлида моллини ҳам, жонини ҳам тикди. Мақсад халқни кенг тафаккурли, юксак савияли ва билимдон қилиш эди. Бундай фазилатларга эга халқлар ўз-ўзидан аҳил бўлади. Кўпроқ эзгуликлар ҳақида ўйлайди. Аммо жадидларнинг орзуси амалга ошмади. Бу Марказий Осиё халқлари учун ушалмас орзу, етиб бўлмас марра каби кўринарди. Бу изтиробнинг гўзал лирик ифодасини Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид бундай баён этган эди:

**Қондош бўлиб қўшилмаган, қони айро,
Тураларин ўз элидан нони айро,
Асрларим йўғлаб ўтди икки дайро,
Ярми фарёд, ярми афгон юрт эди бу...**

Шукрки, дунёда энг зўр армонни йўққа чиқарадиган ҳаётий ҳақиқатлар ҳам бор.



Бу меҳр кучи, дўстлик қувватиدير! У барча қоллиларни парчалаш, одамларни бир ғоя атрофида бириштириш қудратига эга. Айнан шу қудрат туйайли Президентимиз **дипломатик протоколга қарамай, суратга тушишда марказдаги жойини меҳмонларга бўшатиб берди. Ҳўрматли меҳмонларга халқимизга хос самимият изҳор этилди. Ҳа, дўстлик ва биродарлик ҳатто дипломатик протокол қоидаларидан устун келди ва ҳақли равишда минтақамизда тобора мустаҳкамланиб бораётган ўзаро ҳўрмат ва тенглик рамизи сифатида баҳоланди.** Ҳамкорлиқнинг янги босқичи деб кўрилди. Албатта, мазкур ютуқлардан фахрланамиз. Асрий орзуга эришяётганимиз қалбимизга қувонч олиб қиради. Шу билан бирга, истиқболни белгилаб берадиган масъулиятли вазифамизни ҳам чуқур ҳис этамиз. Бу эришилган маррани нафақат сақлаб қўлиш, балки кўзланган даражадан ҳам юксак ҳўрматга олиб чиқишдир.

Давлатимиз раҳбари ана шу мақсадга эришниш йўлида хизмат қиладиган қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди. Илк ташаббус ҳамкорлик механизмлари ва шартномавий-хуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилди. Ушбу **учрашувларни минтақавий мулоқотнинг маслаҳат шаклидан “Марказий Осиё ҳамжамияти” стратегик форматига айлантириш тақлиф қилинди.**

Халқимиз доим муҳим масалаларни энг ишончли дўстлари, яқинлари билан бамаслаҳат ҳал этган. Шу боис, “Маслаҳатли ош тарқамас” деган мақол бор. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви худди шу вазифани бажариб келди. Шу орқали доимияманд халқ даҳосига уйғун бўлган ишлар тўғри ташкил этилса, доим самара бериши ана бир бор ўз тасдиғини топди. Аммо маслаҳатда ихтиёрийлик жиҳати ҳам бор. Шу маънода, илк қадам Маслаҳат учрашуви бўлиши айни мудоаа эди. Утган даврда биз бир-биримизни аниқладик, қарашлар, фикрлар уйғунлиги кўзга яққол ташланди. Минтақада ўзибўларчилик кайфияти йўқолди. Ҳатто олдий одамлар орасида ҳам мамлакатлараро, халқлараро илиқ, ижобий фикрлар шаклланди. Масалан, қўшни давлатлар етакчилари рақобатчи эмас, дўст ва ҳамкор эканлигини баралла таъкидламоқда. Кўча-кўйда, ижтимоий тармоқларда олдий одамлар, юртимизга келган сайёҳлар кучли ҳажжон ва меҳр билан фикр билдирипти. Демокчимизки, Марказий Осиёликлар том маънода ягона овозга айланди. Ана шундай фўрсатда уларнинг мақсад ва марраларини аниқ белгилаб кўрсатадиган, ҳуқуқий асосга эга платформа зарур эди. Энди Маслаҳат учрашуви “Марказий Осиё ҳамжамияти” стратегик форматда ана шу платформа вазифасини ўтайди. Содда қилиб айтганда, янги формат жиддий, чуқур ва стратегик бирлашув йўлига ўтганимизни аниқлашди. Шу жиҳати билан Марказий Осиёнинг бутунги руҳига тўла жавоб беради. Бундан ташқари, халқ дипломатияси ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. **Қадрият ва аънааларимизга таъинган ҳолда, бой ҳаётни таҳриба ва обрў-эътиборига эга**

жамоат арбобларидан иборат Оқсоқоллар кенгашини тузиш тақлифи илгари сурилди. Мана шу жиҳатнинг ўзини ниҳоятда чуқур ва кенг қамровда таҳлил этиш мумкин. Чўнки оқсоқолларга доим таъин куч сифатида қаралган. Юрт эгалари ҳам мураккаб вазиятларда оқсоқоллар маслаҳатига қўлоқ тутган. Уларнинг фикрини умумлаштириб, ҳал қилувчи қарорни айтган. Шу боис, оқсоқоллик юксак мартаба бўлган. Айни пайтда тўғрисиўлиқ, ҳар қандай вазиятда виждонан иш кўриш, доим ҳақ томонда туриш масъулият юкланган. Буларнинг барчаси Оқсоқоллар кенгашини тузишнинг аҳамияти нечоғлиқ юксак эканини аниқлашди.

Давлатимиз раҳбарининг ана бир тақлифи **савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқни янги сифат босқичига кўтариш вазифаси бўлди.** Таъкидлашнича, минтақа мамлакатларининг ўзаро савдоси ва умумий ташқи савдо айланмаси салохияти ўрта истиқболда камида 1,5-2 баробар ошириш имконини беради. Бунинг учун маъмурий тўсиқларга барҳам бериш, солиқ ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, эркин иқтисодий ва саноат зоналаридан бириглашда фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни кўриш керак. Шу каби масалаларни тўла ҳал этиш учун эса савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича 2035 йилгача бўлган даврга мўлжалланган кенг қамровли минтақавий дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур.

Буюк ипак йўли каби қарвон йўллари тараққиётнинг таъин нуқтаси бўлган. Ҳа, **Амир Темур бобомиз “Дунё тижорат аҳли ила ободир!”** деганида нақадар ҳақ эди. Бутун ривожланган мамлакатларнинг минтақамиз билан ҳамкорликка интилиши замирида ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқат бор. Марказий Осиё ишончли ва барқарор бозорга эга. Айни пайтда етарлича махсулот етказиб бера оладиган иқтисодий имкониятга бой худуд. Шу билан бирга, минтақа энди ягона овозга, яхлит кучга айланиб бормоқда. Бу эса унинг барқарор истиқболдан дарак беради.

Озарбайжоннинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида тўла ҳуқуқли аъзо бўлгани савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ҳамкорлиқни кенгайтириш, шунингдек, барқарор тараққиёт масалалари бўйича ҳамжиҳатликда қарорлар ишлаб чиқиш учун янги уфқларни очади. Мазкур ҳамкорлик Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида мустаҳкам кўприк бўлиб хизмат қиладди. Минтақамиз савдо-иқтисодий йўлларининг самарадорлигини оширади.

Яна бир муҳим ташаббус экология, иқлим ва сув ресурслари тақчиллиги масалалари ечимига қаратилди. Дунёдаги зиддиятларга ақсариёт ҳолларда табиий ресурсларга эғалик қилиш истағи сабаб бўлган. Бу тенденция бутун янада долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ошиб бориши, саноат ривож табиат мувозанатига сезиларли даражада таъсир қияпти. Дўппи тор келганда бошқаларнинг ёқасидан олиш, ўзганинг ҳақиқа кўз олайтириш одамга хос қўсурлардан. Аммо

шарқона одоб, халқимизга ҳос бағрикенглик бундай қамчиликларга қатъий қарши туради. Янги Ўзбекистоннинг “яшил” ташаббуслари замирида аждодлардан ўтиб келётган ана шу эзгулик муҳассас.

Бобо-момоларимиз доим сувни азиз, туپроқни табарруқ билган, эъзозлаган. Ҳазрат Навоий яқтагига илашиб келган чумолини уясига олиб бориб қўйиш учун йўлидан қайтган. Қисқаси, халқимиз табиатга мана шундай чуқур эҳтиром билан муносабатда бўлган ва болаларига уқтириб келган. Минтақа халқлари ҳақида гап кетганида эса, бир дарёдан сув ичганимиз деган иборани ишлатамиз. Мазкур иборада жуда катта ҳақиқат, бирдамлик фалсафаси бор.



Бир дарёдан сув ичиш учун унинг қирғоғида муқим қўшни бўлиб яшаш керак. Ер, сув талашми асрлар оша яшаган халқларнинг аҳилилиги ҳақида ортиқча таъриф шарт эмас, назаримда. Унинг рамзий маъносига ҳам бор. Яъни бу ўзлик, маърифат дарёсидир. Бу — қарашларимиз, қадриятларимиз ҳам уйғун дегани. Замонавий дунё эса том маънода бир дарёдан сув ичиш масаласини қўймоқда. Биринчидан, минтақа мамлакатлари табиат бойликларида оқилана ва тенг ҳуқуқли асосда фойдаланиши зарур. Минтақада сув тақчиллиги тобора ошиб бораёттир. Мазкур масала барқарор ривожланишга салбий таъсир қилиши мумкин. Давлатимиз раҳбари мазкур оқибатларини ҳисобга олиб, **2026-2036 йилларни “Марказий Осиёда сувдан оқилана фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги”** деб эълон қилишни тақлиф этди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви якуналари бўйича қўшма баёнот ва яна бир нечта муҳим ҳужжат қабул қилинди. Жумладан, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик концепцияси ҳамда Марказий Осиё хавфсизлиги хатарларнинг каталоги ва уларнинг олдини олиш бўйича 2026-2028 йилларга мўлжалланган чораларни ишлаб чиқиш масаласи кўрилди. Экологик масалаларда яқдилликка интилишимиз, хавфсизлик масаласини

“Давлатимиз раҳбари ибораси билан айтганда, “Қўшничилик — хавф эмас, имконият, бир тарафнинг муваффақияти — барчанинг ютуғи” деган ягона минтақавий маконга мансублик ҳисси шаклланиб бораверади.

уйғун ҳолатда кўришимиз эҳтимоли бўлган хатарларни кескин қамайтиради. Буни табиатдаги бир ажиб ҳодиса орқали ифодалагимиз келди. Айтишларича, қушлар узоқ манзилга йўл олганида тўда бўлиб учсагина яхлит идрокка айланар ва манзилдан адашмай инини топиб бораар экан. Глобал дунё хатарларидан четлаб ўтишнинг ҳам ягона йўли бирлик ва ҳамжиҳатликдир.

Сўнгги йилларда “Марказий Осиё плюс” форматдаги муносабатлар кучайди. Минтақамиз халқаро майдонда ягона позицияни илгари суряпти. Шунингдек, минтақа жаҳон иқтисодиётига фаол интеграциялашапти. Инвестициявий жозибадорлик ошиб, учинчи бозорларга экспорт имконияти кенгаймоқда, транзит салохияти ошмоқда. Масалан, ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо қиймати 10,7 миллиард АҚШ долларига етди. Минтақамизга киритилган инвестициянинг умумий ҳажми 17 фоиз кўпайди. Бу фактлар Марказий Осиёнинг яхши иқтисодий имкониятларга эга минтақа сифатида тан олинаётганидан далолат.

Олдимизга яна бир балан маррани қўйганмиз. Бу аждодлар йўлидан юриш — навбатдаги Уйғониш даврига асос солишдир. Учинчи Ренессанс шунчаки орзу эмас, аниқ мақсад экани йил сайин ойдинлашиб бормоқда. Президентимиз Маслаҳат учрашувида шу масалага дахлдор муҳим ташаббусни илгари сурди. Яъни **минтақавий илмий тақдиқотлар жағмармаси тузиш тақлиф этди.** Шу орқали давлатлараро илмий лойиҳалар молиялаштирилади. Академик ҳамжамият рағбатлантирилиб, минтақанинг интеллектуал салохияти мустаҳкамланади. Мухими, бу мамлакатларимизнинг устувор ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш учун сўнгий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича имкониятни кенгайтиради.

Бу каби катта марраларнинг забт этилиши, умуман, ўша чўққи сари ташланган ҳар бир қадам Марказий Осиёнинг янги минтақавий ўзига хослигини мустаҳкамлаб бораверади. Айни дамда халқларимизнинг умумий тарихи, муштарак маданияти,

тақдирларимиз ўзаро боғлиқ эканини янада чуқур аниқлаймиз. Натижада давлатимиз раҳбар ибораси билан айтганда, **“Қўшничилик — хавф эмас, имконият, бир тарафнинг муваффақияти — барчанинг ютуғи”** деган ягона минтақавий маконга мансублик ҳисси шаклланиб бораверади.

Катта тарихни нуфуси юқори, билаги кучга тўлган халқлар яратди. Бутун Марказий Осиё аҳолиси 80 миллионлик маррадан ўтди. БМТ прогнозларига кўра, 2050 йилга бориб, бу кўрсаткич 100 миллиондан ошадди. Мазкур рақамлар бизга инсон капитали деган энг бебаҳо бойлиқни тақдим этади. Марказий Осиё эса дунёнинг энг ёш минтақаларидан. Аҳолиимизнинг ўртача ёши атиги 29 ёшга таққил этимоқда. Бу биз кўзлаган чўққини забт этишда етарлича қувват бера оладиган двигател дейиш мумкин.

Сўзимиз аввалда бирдамлигимиз, ягона минтақа бўлиб жипслашиш асрий орзу эканини айтгандик. Дунёни ўзига қаратган, керак бўлса, ортидан эгаштирган халқларда ҳам муайян муддат тин олиш ҳолати кузатилади. Таъбир жоиз бўлса, қуёш ҳам маълум вақтдан сўнг уфққа бош қўйиб, тагин яна бўй кўрсатади. Фикримизни минтақа аҳолисининг жорий ҳолати ҳам тасдиқлайди. Ахир аждодларимиз бежиз дунёни чарқпалакка ўхшатмаган. Шу маънода, бутун Марказий Осиё чўмичи сувга тўлиб келаятган янгилашган кучдир.

Кейинги кунларда Тошкент шахрида ҳаво сифатининг ёмонлашиб, чанг зарралари миқдори меъёридан ошгани одамларни жиддий хавотирга солди. Шу йил 22 ноябрь кунни пойтахт хавоси ифлосланиши хавфли даражага етиб, атмосферадаги РМ 2,5 майда дисперсли заррачалар миқдори белгиланган меъёрдан уч баробар юқори экани қайд этилди. 24 ноябрь кунни ҳам худди шу ҳолат давом этди. Шаҳар бўйлаб ҳавонинг ифлосланиш даражасини камайтиришга қаратилган қатор ишлар, хусусан, қурилиш майдонларида чанг кўтарилмаслиги учун сув сепиш, йўлларни намлантириш тадбирлари бажарилганига қарамай, атмосферадаги зарарли чанг заррачалари сақланиб қолди.

Масаланинг янада жиддий жиҳати шундаки, ҳавонинг меъёридан ортқ ифлосланиши Тошкент шаҳри учун одатий ҳолатга айланмоқда. Айниқса, куз-қиш мавсумида шаҳар аҳолиси ана шу муаммо билан юзлашаётти. Ўтган йили ҳам масала анча жиддий тус олгани, ҳатто бунга қарши кескин экологик чоралар қўрилгани ёдимизда. Бироқ одамлар назарида бу чоралар етарли бўлмаётти. Ҳавонинг тобора ифлосланишига сабаб бўлаётган омилларга қарши жиддий курашиш кераклиги айтилган. Масалан, қурилишларни тўхтатиш, саноат корхоналаридан чиқаётган зарарли моддаларни қатъий назоратга олиш, иситиш мавсумида заҳарли ёқилгилардан фойдаланмаслик ва ҳоказо.

Аҳамиятлиси, айна шу масалалар давлат томонидан қатор ҳуқуқий асослар билан тартибга солинаётганига гувоҳ бўляпмиз. Жиддий экологик чоралар, қатъий назорат тадбирлари олиб борилаётти, десак хато бўлади. Бойси, мамлакатимизда экологик барқарорлиқни таъминлаш мақсад қилинган.

Ҳўш, нега унда ҳамон ҳаво сифати яхшиланмапти? Нега пойтахт осмонни тез-тез чангга тўлиб, ифлосланиш даражаси ошиб борапти?

Бунга бир вақтнинг ўзига бир қанча омиллар сабаблиги айтилмоқда. Шулардан бири табиий омиллар, яъни глобал иқлим ўзгаришлари, хусусан, юртимизда ёгингарчиликнинг тобора камайиб бораётгани ва ҳоказо. Мутахасссларнинг таъкидлашича, ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши ҳам чангланнишни оширмоқда. Бу инверсия жараёнини келтириб чиқаради, майда заррачаларнинг пастки қатламларда тўпланиши ва атмосфера хавосидagi концентратсияси орттиришга олиб келади.

Ўзгидромет директори Шерзод Ҳабибуллаевнинг маълум қилишича, Шулардан бири заррачалар орттиришга сабаб бўлаётган яна бир табиий омил бу — ёгингарчилик йўқлиги. Синоптиклар маълумотига кўра, ноябрь ойи бошидан бери Тошкентда даярий ёмғир ёғмади. Ёгингарчиликнинг етишмаслиги ҳаводаги майда заррачаларнинг табиий ювилишини секинлаштиради ва уларнинг атмосферада узоқ туриб қолишига сабаб бўлади. Яна бир табиий омил — чангланниш. Ўзбекистон табиий жиҳатдан куруқ ва ярим куруқ иқлим ҳудудида жойлашгани боис, ўсимлик қоплами қисқариши ва иқлим иситиш таъсирида табиий чангланниш ошмоқда. “Шунинг учун бу йил чангланниш одатдагидан кўпроқ намоён бўлди. Ҳатто шамол



Кун мавзуси

“Айни вақтда Тошкент ИЭСда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 97 фоизини электр энергияси, қолган қисmini иссиқлик ташкил этади. Станциядан етказиб берилаётган иссиқлик қуввати яқин атрофдаги ўнлаб корхона ва таъкилотлар, шунингдек, Тошкент ИЭС ҳудудидаги кўп қаватли уйлар ҳамда иссиқхоналарни иссиқлик билан таъминлаб келмоқда.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!



САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА ҚАТЪИЙ МУҲЛАТ БЕЛГИЛАНДИ

паст бўлган кунларда ҳам РМ 10 кўрсаткичи ошмиши кузатилади. Майда заррачаларнинг маълум даражада сақланиб туриши табиий ва мавсумий ҳолатдир. Ҳаво барқарорлаштиши билан ҳаво сифати ўз-ўзидан сезиларли яхшиланади”, деб изоҳлайди мутахассис.

Талаблар қатъийлаштири

Чангланниш табиий ҳол экан деб ўпкамиз зарарли сабаблиги айтилмоқда. Шулардан бири табиий омиллар, яъни глобал иқлим ўзгаришлари, хусусан, юртимизда ёгингарчиликнинг тобора камайиб бораётгани ва ҳоказо. Мутахасссларнинг таъкидлашича, ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши ҳам чангланнишни оширмоқда. Бу инверсия жараёнини келтириб чиқаради, майда заррачаларнинг пастки қатламларда тўплиши ва атмосфера хавосидagi концентратсияси орттиришга олиб келади.

Ўзгидромет директори Шерзод Ҳабибуллаевнинг маълум қилишича, Шулардан бири заррачалар орттиришга сабаб бўлаётган яна бир табиий омил бу — ёгингарчилик йўқлиги. Синоптиклар маълумотига кўра, ноябрь ойи бошидан бери Тошкентда даярий ёмғир ёғмади. Ёгингарчиликнинг етишмаслиги ҳаводаги майда заррачаларнинг табиий ювилишини секинлаштиради ва уларнинг атмосферада узоқ туриб қолишига сабаб бўлади. Яна бир табиий омил — чангланниш. Ўзбекистон табиий жиҳатдан куруқ ва ярим куруқ иқлим ҳудудида жойлашгани боис, ўсимлик қоплами қисқариши ва иқлим иситиш таъсирида табиий чангланниш ошмоқда. “Шунинг учун бу йил чангланниш одатдагидан кўпроқ намоён бўлди. Ҳатто шамол

Президентимизнинг жорий йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори айна шу мақсадларга қаратилган. Мазкур қарорга биноан экология соҳаси бўйича янги чоралар дастури тасдиқланиб, аниқ вазифалар белгиланди. Жумладан, Тошкент

шаҳри ва Тошкент вилоятидаги иссиқхона ҳўжаикларини табиий газ билан барқарор таъминлаш бўйича зарур ташкилий-техник чора-тадбирлар тўғрисида 2025 йил охиригача тақдирлар ишлаб чиқарилади. Шу йил 1 декабрдан АЕКШларда АИ-80 бензини сотуви тўхтатилади, тизим вақтларда шаҳарда юк машиналари ҳаракати чекланади. Қурилиш объектиларида ҳаво сифатини ўлчовчи станциялар ҳамда камералар ўрнатилади ва ҳоказо.

Энг аҳамиятли жиҳати, қарор билан саноат корхоналарига ҳаво сифатини ўлчаб турувчи фон мониторинг станцияларини ўрнатиш учун 2025 йил 1 мартгача муҳлат берилди. Ўзбекистондаги атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш бўйича I ва II тоифага мансуб саноат корхоналари, хусусан, цемент заводлари, нефть, газ, кимё мажмуалари, тери-кўнчилик фабрикалари каби атроф-муҳит учун хавфли корхоналар шу мўддага қадар мониторинг станциясини ўрнатиб, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси базасига интеграция қилиши шарт. Акс ҳолда, табиатга зарар етказганлик учун компенсация тўлови 5 баравар оширилади.

Ушбу турдаги корхоналар қаторига электр станциялари ҳам қиради. Яъни пойтахт аҳолисига иссиқлик ва электр энергияси етказиб берувчи станцияларда ҳам атроф-муҳитга зарарли ташламалар чиқариш даражаси юқори экани, айниқса, мазут ва шунга ўхшаш юқори ифлослантирувчи ёқилғи турларидан фойдаланган тақдирда, атмосферага жиддий таъсир кўрсатиши сир эмас. Шу боис, бунинг олдини олиш, электр станцияларида мониторинг ўрнатиш ва атроф-муҳитга чиқадиغان зарарли ташламаларни белгиланган меъёрдан оширмаслик талаб этилмоқда.

Мазут фойдаланишдан чиқарилган

Бу талаб қанчалик бажарилаётгани, реал ҳолат билан танишиш мақсадида Тошкент шаҳридаги иссиқлик маркази корхоналарида бўлди. “Иссиқлик электр станциялари” АЖ тизимидаги

Тошкент иссиқлик маркази корхонаси таркибиди 9 та иссиқлик маркази мавжуд. Улар пойтахт истеъмолчиларининг 75 фоизини иссиқлик билан таъминлайди. Ишлаб чиқариш жараёнида эса табиий газдан фойдаланилади. Айна шу маълумот қатор саволларга сабаб бўлди. Бизни қанча қозонхона борлиғи, улардаги таъмирлаш ишларидан кўра, электр станциялари иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқаришда табиий газ ўрнига мазут ва атмосфера учун зарарли бошқа ёқилғилардан қанчалик фойдаланилиши, бу турдаги корхоналар ҳавога меъёридан ортқ зарарли ташламалар чиқариши қанчалик ростлиги, бунинг олдини олиш учун қандай чоралар қўрилатгани қизиқтираётган эди.

— Биз турган корхона мазут ёқишга мослашмаган ва бу ёқилғи амалиётдан тўлиқ қириб ташланган, — дейди Яксарой туманидаги Тошкент иссиқлик электр маркази газ-турбина қурилмалари машинисти Муроджон Эргашев.

— Электр ва иссиқлик энергияси фақат табиий газ асосидаги замонавий қурилмалар орқали ишлаб чиқарилади. Давлатнинг раҳбарининг тегишли топшириқларига биноан пойтахтда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда замонавий, экологик тоза қурилмалар жорий қилинмоқда. Мазкур марказда ҳам 2024 йилда қуввати 64 мегаватт бўлган анги 2 та газ-турбина қурилмаси ишга туширилди. Улар орқали йилга қўшимча 515 миллион киловатт-соат электр ва 630 гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Асосийси, замонавий қурилма ҳисобига атроф-муҳитга йилга чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар 200 тоннага камайишига эришилди. Бу ерда ҳавога чиқиндилар чиқилиши мониторинг қилиш мақсадида стационар кузатув пункт, яъни экопостлар ташкил қилинган. Оқова сувни қайта ишлаш учун автоматлаштирилган тизимлар ҳам жорий этилган. Унда оқова сув ҳал қилинчилар, зарарли моддалардан тозаланиб, қайта фойдаланилади.

Корхонада 4 та автоматик мониторинг станцияси ва 1 та экопост ўрнатирилган бўлиб, зарарли ташламаларнинг чиқарилиши доимий назоратга олинган. Ҳар бир трубадаги зарарли

моддалар назорат қилинади. Жараёнда қайсидир зарарли модда миқдори ошиб кетса, тизим сигнал беради ва экологлар муаммони дарҳол бартараф этади. Газ тармоқларида механик бирикма филтёрлари ҳам янгиланган. Булар ҳисобига ишлаб чиқариш жараёнида станция ҳудудида зарарли заррачаларнинг ташланиши даярий 0,06 фоизга тенглашди. Бу меъёрдан 100 баробар кам дегани.

Замонавий технологиялар атмосферага зарарли ташламалар чиқилиши сезиларли камайтириш бораберида, табиий газни яхшигина иқтисод қилиб қолди. Яъни электр станцияларида бундай усқуналарга талаб ҳозир ҳар қачонгидан юқори. Аммо йиллар давомида ишлаб келаётган, анъанавий усулда иссиқлик энергияси ишлаб чиқариладиган марказлар-чи, уларда ҳам иш жараёнида атмосферага ифлосланган заррачалар қимчаслигига ишончи мумкинми?

—Юртимизда ilk иссиқлик марказлари 1969 йилда қуриб бошланган бўлса, бутун ишлаб турган аксарияти 1980 йилларгача бунёд этилган, — дейди “Тошкент иссиқлик маркази” МЧЖ директори Бехзод Бўронбоев. — Ушандаёқ лойиҳада асосий ёниги табиий газ, захира ёқилғиси эса мазут бўлган. Яъни иссиқлик марказлари табиий газга мослаштирилган бўлса-да, Фавқулодда ҳолатларда мазут ёқилган. Ҳозир ҳам Тошкент шаҳридаги 9 та иссиқлик марказидан 6 тасида мазут ёқиш имконияти бор. Фавқулодда ҳолатлар учун захира ёқилғи сифатида мазут сақланади. Охириги марта 2023-2024 йилги куз-қиш мавсумидаги аномал совуқда мазут ёқилган. Аммо ўтган йилги мавсумда мазутдан фойдаланилмади, бу йил ҳам бундай режа йўқ. Сабаби мазутни ёқиш технологияси анча қийин ва нархи ҳам газникига нисбатан уч баравар қиммат. Яна бир жиҳатини таъкидлашнинг истардим, кўпчилик ўйлаганидек, мазутни ёққанда ҳаво бирдан ифлосланиб кетмайди. Унинг ҳам ўзига яраша ёниш режими бор ва доимий равишда меъёрга мослаб турилади. Агар меъёрдан зиёд зарарли ташлама чиқа бошласа, дарров сигнал берилиб, зарур чора қўрилади. Шунга қарамай, тизимда мазут ва шунга ўхшаш юқори ифлослантирувчи ёқилғи турларидан бутунлай воз кечиш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Хусусан, Тошкент иссиқлик марказининг 4-иссиқлик маркази ҳудудида жорий йил

охирида қуввати 100 мегаватт бўлган янги газ-поршенли электр станциясини ишга тушириш режалаштирилган. Янги қувват тўлиқ табиий газда ишлашга мослаштирилган. Хитойнинг йирик компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳа доирасида 50 та янги иш ўрни очилиб, йилга ўртача 876 миллион киловатт-соат электр ва 784 минг гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Натижада 15 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинишига эришилади. Янги қувват ишга туширилгач, ўртача 365 минг хонадонни электр ва 58 мингта хонадонни иссиқлик энергияси билан таъминлаш имконияти яратилиши айтилмоқда.

Асосий масала яна экологик хавфсизликка бориб тақалади. Замонавий қурилмаларнинг тежамкорлиги, фақат табиий газга мослашгани яхши, албатта. Аммо ҳали бундай қурилмалар ўрнатилмаган иссиқлик марказлари ҳам йўқ эмас. Уларда муаммо қандай ҳал этилаётгани билан қизиқдик.

— Масалан, Қўрай туманидаги “Тошкент ИЭС” АЖда экологик мувозанатни таъминлаш мақсадида жорий йилда энергия блокларидан қичувчи тутун-газ таркибини тозалаш учун “Ёнгли филтёр” қурилмаси ўрнатилиб, ишга

туширилди, — дейди станция бўлим бошлиғи Бердақ Айтмуратов. — Корхонанинг асосий фаолияти электр энергияси ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, йил бошидан бундан фақат табиий газдан фойдаланилмайди. Янги филтёр қурилмаси тўлиқ автоматлаштирилган тизимда ишлайди ва соатига 1,5 миллион куб метр тутунни тозалайди. Филтёрни ўрнатиш натижаида атмосферага чиқадиغان тутун таркибидagi қаттиқ заррачалар концентратсиясини 100 миллиграмм куб метрдан 6 миллиграмм куб метргача камайтиришга эришилди. Шунингдек, корхонада кўёш фото-электр станциялари ва сув иситкичлари ўрнатилиши орқали йилга 110,7 тонна

ташлама қичқинишни олди олиниб, иссиқлик тизимида техник сувдан фойдаланиш натижаида 350 минг куб метр ичимлик сув тежалмоқда. ИЭСда тутун чиқарувчи 3 та мўрига замонавий, юқори аниқликка эга автоматик мониторинг станциялари ҳам ўрнатирилган. Улар орқали зарарли ташламалар доимий назорат қилиб борилади.

Айни вақтда Тошкент ИЭСда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 97 фоизини электр энергияси, қолган қисmini иссиқлик ташкил этади. Станциядан етказиб берилаётган иссиқлик қуввати яқин атрофдаги ўнлаб корхона ва таъкилотлар, шунингдек, Тошкент ИЭС ҳудудидаги кўп қаватли уйлар ҳамда иссиқхоналарни иссиқлик билан таъминлаб келмоқда. Ишлаб чиқариш жараёни эса тўлиқ назоратда экани, корхонада атроф-муҳитга чиқадиغان зарарли ташламалар меъёридан оширилмаслиги айтилди.

Аслида, юртимиздаги барча саноат корхоналарида ана шу талаб қўйилапти — уларнинг фаолияти экология бузилиши, ҳавонинг ифлосланишига сабаб бўлмалигига қаратилган. Мазкур фармонга биноан махсус комиссия тузилиб, юқорини таъминлаш топширилди. Энди махсус комиссия атмосфера ифлосланишига сабаб бўлаётган барча омилларни бартараф этиш, жумладан, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарида филтёрлар ўрнатиш бўйича қўнучилик талаблари бажарилиши назорат қилинди.

Ирода ТОШМАТОВА
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ислохотлар самараси

Яқин-яқингача қишлоқ ҳўжалиги деганда кўз олдимизга фақат пахта ва ғалла келарди. Айниқса, “оқ олтин”га мамлакатнинг асосий ва муҳим стратегик хомашёси сифатида қараларди. Аграр соҳага дахли бор ҳам, дахли йўқ ҳам — ҳамма чигит экишдан тортиб, пахтани йиғиб олишгача бўлган жараёнга сафарбар этиларди. Бутун мамлакат аҳолисининг ҳаёти қайсидир маънода пахтага боғланиб қолган эди.

Куз келиши билан пахта терими бутун халққа келган умумий ҳашар — “тўй” сифатида эълон қилинарди. Мактаблар, шифохоналар, кўйинги, давлат идорасино бозорлар оммавий ёпилар, ҳамма хашарга сафарбар этиларди. У кунларнинг азоб-уқубатини халқимиз хали-ҳануз унутгани йўқ. Лекин шунча чеккан заҳматни ташвишга қарамай, пахта экиб, қишнинг ёзин даладан бери келмайдиган деҳқоннинг юкаси оқармади. Ҳатто пахтанинг ортдан давлат ҳам тараққий этиб кетмади. Аксинча, мажбурий меҳнат, норасида болаларнинг теримга жалб этилиши каби инсон ҳуқуқларига зид ҳатти-ҳаракатлар туфайли кўйлаб ривожланган мамлакатлар ўзбек пахтасига бойикот эълон қилгани яқин ўтмишининг аччиқ ҳақиқати эди. Дунё таърибасидан келиб чиққан ҳулоса шунки, бюрократик дастаклар ёки маъмурий бўйруқбозлик йўли билан ҳали бирор соҳа гуллаб-яшнаб кетмаган. Аксинча, эркинлик берилмаган, ортиқча аралашувлар соҳанинг келажакини барбод қилган. Бугунги замонавий дунёда бунга истагангача мисол келтириш мумкин.

Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин деган гап бежиз айтилмаган. Шунга қарамай, яқин йилларга қадар даласига нима экиш, қандай экиш,



ИЛҒОР ФЕРМЕРЛАР

“УСТОЗ-ШОГИРД” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ

қачон экиш кераклиги бутун умрини қишлоқ ҳўжалигига бағишлаган тажрибали деҳқонлар ёки шу соҳада суяги қотган малакали агрономларга қўйиб берилмади. Худудларнинг иқлим шароити, тупроқ таркиби, унумдорлиги, сув ресурслари ҳолати ва тақсимоти инобатга олинмади. Соҳага инновациялар қўлланмади, замонавий билимлар асосида ёндашиш эса ҳеч кимнинг ҳаёлига келмади. Пировардида ерларнинг ҳосилдорлиги йилдан йилга камайиб борди. Ўзибўларчилик, коррупция авж олди. Давлатнинг сафарбар этилган ресурслари йиллар давомида қуттилган самарани бермади.

Сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжалигига туб ислохотлар, таркибий ўзгаришлар амалиёти оширилгач, вазият ўнглана бошлади. Соҳада бозор муносабатларини жорий этиш, қайта ишлаш ва экспорт инфратизимини ривожлантириш бўйича жуда кўп ишлар қилинди. Фермер ва деҳқонларнинг даромадини ошириш мақсадида янгича тизим жорий этилиб, кўйлаб долзарб масалалар

ҳал қилиб берилди. Ҳар йили етарлича маблаг ажратилиши. Иригация ва гидроиншоотларни модернизациялаш орқали тупроқ унумдорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Янгиланишлар туфайли қишлоқ ҳўжалиги муносабат ҳам тубдан ўзгарди. У фақат хомашё етиштирувчи тизимдан катта даромад олиш қафолатланган истиқболли соҳага айланди. Деҳқон-фермерларга эркинлик, имтиёз берилди. Бюрократик тўсиқлар, аралашувларга бутунлай кек қийилди.

Даласига нима экишни, қандай инновацион ечимларни қўллашни бугун фермернинг ўзи ҳал этмоқда.

Манфат, фойда, даромад ва бизнес қилишга имконият бор жойга инвестиция оқиб келади. Бугун қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги лойиҳаларга нафақат маҳаллий тадбиркорлар, балки хориқлик сармоядорлар ҳам ҳеч иккинламий пул тикаётгани фикримизнинг ёрқин тасдиғидир. Демак, давлат ислохотчи сифатида



тизимга замонавий бозор механизмларини қўйлаб олди. Самараси эса бугун юртимиз бозорларидаги тўқин-сончиликда, халқимизнинг фаровон ҳаёти мисолида сезилаётир.

Қишлоқ ҳўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Бутун соҳанинг иқтисодиётдаги улуши 20 фоизни ташкил этмоқда. Унда йилга 467 триллион сўмлик маҳсулот етиштирилиб, 3,5 миллион киши меҳнат қилапти. Шу билан бирга, янги ва қайта ишланган маҳсулотлар умумий экспортнинг учдан бир қисмини таъминламоқда.

Яқинда Президентимиз ҳузурида пахтачиликда самарадорлиқни илгор таъриб ва технологиялар асосида ошириш, қишлоқ ҳўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ўтказилган тақдирлар тақдиротида шу ҳақда сўз борди. Жумладан, пахтачиликда ҳосилдорлиқни ошириш, соҳага инновациялар кенг тартиқ этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Паст ҳосил олаётган фермерлар билан манзилли ишлаш, илгор агротехнологиялар ва озиқлантириш амалиётларини тўғри жорий этиш, агроном тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш чоралари белгиланб олинди. Шунингдек, пахтачиликда “устоз-шогирд” аънавларини йўлга қўйиш орқали ҳосилдорлиқни 60 центнердан оширган илгор фермерларни 30 центнердан кам ҳосил олган фермерларга бириктириш таклиф қилинди.

Илгор фермерлар Қишлоқ ҳўжалиги маляка ошириш институтига қайта тайёрланиб, сертификат тақдим этилади. Паст ҳосил олган фермерларда ҳосилдорлик камида 50 центнердан ошса, уларга бириктирилган илгор фермерларга 5 миллион сўмдан мукофот пули берилади. Агрономларни тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш мақсадида Тошкент давлат аграр университети ва агрономларни тайёрлайдиган бошқа олий таълим муассасалари би-тирувчилари учун икки йиллик “дуал таълим”

механизми жорий этилади. Илгор кластер ва фермер ҳўжаликларида амалиёт ўтаган талабаларга стипендия, уларни ўқитган мутахасссларга эса рағбат пули берилади.

Ийгилишда маҳаллий пахта навларини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизда айна пайтда пахтачилик йўналишида иккита ноёб илмий институт — Геномика маркази ва Пахтачилик институти фаолият юритмоқда. Навларни селекция қилиш асосида пахта уруғчилигини янада ривожлантириш мақсадида ушбу институтларда фитотрон ва репродукцион иссиқхона қурилади. Натижада янги маҳаллий нав яратишга зарур бўлган мўддат 2,5 баробар қисқаради. Олимларнинг иши тезлашиб, импорт уруғга эҳтиёж қолмайди.

Келгусида гўзани плёнка остида экиш тажрибаси омаллаштирилади. Қишлоқ ҳўжалиги сунъий интеллект ва рақамли технологиялар жорий этилади. Ҳозир Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва хориқий компаниялар ҳамкорлигида бу борада кадрлар тайёрлаш ва илмий инфратизимга яратиш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилапти.

Тақдиротида қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ҳодимлари учун муҳим янгилик маълум қилинди: энди тармоқни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича бутунлай янгича тизим татбиқ этилади. Келгуси йилдан пахта-ғалла, мева-лар ва дукак-ли экинлар бўйича ҳосилни ихтиёрий сугурталаш тизими йўлга қўйилади ҳамда сугурта мукофотининг 50 фоиз буюджетдан қоплаб берилади.

Субсидиялар тизимини соддалаштириш учун ҳозир турли идоралар томонидан берилаётган 75 турдаги субсидияни ягона платформа орқали ажратиб борадиган Аграр соҳада тўлов агентлиги ташкил этилади. Бу фермерлар учун ортиқча овораларчилик ва бюрократияни кескин камайтиради.

Қисқаси, халқимиз дастурхони тўқинлиги, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда мазкур соҳанинг ўрни ва аҳамиятини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу билан бирга, аграр тармоқни жадал ривожлантириш орқали серкўёш заминимизда етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини халқаро бозорларда кенг тарғиб қилиш имконияти кенгайди.

Юнус БЎРОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Гофур АБДИЛАКИМОВ,
Ўзбекистон Миллий педагогика университети ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи, профессор

Бошланиши 1-бетда

Бутун янги Ўзбекистонда ана шу эзгу гоа асосида кечаётган ислохотлар ёшларнинг оилада, таълимда, умуман, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши учун барча учун тенг шароит яратиб беришга қаратилгани билан алоҳида ажралиб туради.

Бундан ишлар пойдевори, аввало, бош қонунимиз — Конституциямизда мустақамлаб қўйилди. Унинг XIV боби оила, болалар ва ёшларга бағишланган. Хусусан, 79-моддада “Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.

Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратди, дейилади.

Бош қонунимизда белгиланган ана шу қатъий талаб ва тартиб бутун ёшларимизнинг оилада, жамиятда тўқис ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилапти. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ҳозирги кун ёшлари янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлод вакили сифатида намоён бўлмоқда. Бундай мисолларга кейинги пайтларда жуда кўп дуч келямиз. Узоққа бормаймиз: куни кеча тарқалган

хабарни қаранг: “Ўзбек ўғлони Жаҳоҳир Синдоров шахмат бўйича жаҳон кубоғи голиби бўлди!”.

Дунёнинг 200 дан ортқ сара шахматчиси бош соврин учун курашган мусобақада мутлақ голибликка эришининг ўзи бўлмайди, албатта. Бу янги Ўзбекистонда ёшлар ҳар доим эътиборда, эъзозда, қўллаб-қувватловда бўлиши ортга қайтмас ислохотларнинг асосий мазмун-моҳиятида мужассам эканини англатади. Ахир оилада муҳит шаклланмаса, жамиятда шароит яратилмаса, мамлакат имконият бермаса, шундай натижага эришиш мумкинми?! Менимча, йўқ.

Бундан саккиз-тўққиз йил олдин йўлга қўйилган “илм — тарбия — инновация” занжири нақадар тўғри эканининг самараси бу. Бутун “Таълим — келажак сармоси” деган эзгу гоа жамиятимизда катта ҳаракатга айланмоқда. Буни ёшларимиз ҳам тўғри англаб етмоқда, тушуноқда ва шунга интилмоқда.

Мамлакатимизда ёш авлодга таълим-тарбия бериш, ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган тизимли ишлар давом этмоқда. Бунинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида

самараси. Эришилган натижалар чегара эмас. Қилинадиган ишлар кўп. Жумладан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланганидек, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириб бориш, умумий ўрта таълим ташкилотларини олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлиқ таъминлаш, олий таълим муассасалари таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш, “ТОП-500”га

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!



“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ўзбекистонда 30 июнь — Ёшлар кунин деб эълон қилинди. Турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришяётган фидойи ёшларимизни рағбатлантириб бориш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофоти ва “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди.

Ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонлигини тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини ўз ичига олган бешта муҳим ташаббус амалга оширилмоқда.

Ёшларга оид ислохотларимизни халқаро ҳамжамият ҳам кенг эътироф этмоқда.

қирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда кўшма таълим дастури асосида “икки дипломли тизим”ни жорий этиш, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш, касб-хунарга ўқитишда хусусий сектор улусини кўпайтириш, мактаб битирувчиларига камиди 2 та хорижий тил ва битта касб эгаллаши учун шароит яратиш каби қўллаб-қувватлаш турибди.

Мамлакат тараққиёти ва келажакини соғлом, билимли, маданиятли ёшлар белгилб беради. Уларнинг кучи шунда. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати, аввало, ёшлар ва давлат ўртасидаги муносабатларини мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда. Бу узлуксиз жараёнга айлангани билан аҳамиятлидир.

3 декабрь — Халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш куни



ТАРИХИЙ НАТИЖАЛАР ВА ЯНГИ РЕКОРДЛАР САРИ

Япониянинг Токио шахрида бўлиб ўтган XXV ёзги Сурдлимпия ўйинларида юртимиз вакиллари тарихий натижалар ва янги рекордларни қайд этди

Юртимизда спортга, шунингдек, параспортга қаратилётган эътиборнинг амалий натижаси мусобақаларда эришилаётган улкан ғалабаларда ўз аксини топмоқда. Биргина Париж Олимпиадасини олайлик: спортчиларимиз 8 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза, жами 13 та медаль билан 13-ўринни, паралимпиячиларимиз 10 олтин, 9 кумуш ва 7 бронза медални қўлга киритиб, 13-ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич Ўзбекистонлик спортчилар қатнашган Олимпиадалар тарихида рекорд натижа ҳисобланади.

Президентимиз раислигида жорий йил 13 февраль куни олимпия ва паралимпия ҳаракати, ихтисослаштирилган ва оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда аҳоли жисмоний фаоллигини ошириш чоратadbirlari бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида параспорт имкониятларига алоҳида тўхталиб ўтилган эди.

Йиғилишда, шунингдек, ҳудудлардаги 39 та спорт мактаби параспорт турларига ихтисослаштирилиши, ногиронлиги бўлган ёшларни имкониятига қараб бошқа соғлом спорт туруҳларида ҳам шугулланишига шароит яратилиши, параспорт турлари бўйича терма жамоаларни шакллантириш тартиби ўзгартирилиши хусусида ҳам сўз борганди. Шунга кўра, бундан буён ёшлар фақат мусобақа натижасига қараб эмас, балки спорт нормативларини бажаришига қараб ҳам терма жамоага қабул қилинади. Бунда ногиронлиги бўлган спортчиларнинг кўрсаткичларини мониторинг қилиб борадиган алоҳида онлайн платформа бўлади.

Мусобақа ва спорт йиғинлари ташкил қилишда олимпия ва паралимпия тизимига ўтилади. Яъни қаерда чемпионат бўлса, унга ёнма-ён параспорт мусобақаси ҳам ўтказилади, йиғинлар ҳам биргаликда ташкил қилинади. Бу ҳақиқий инклюзив тизимга айланади, ногиронлиги бор спортчилар учун ишонч ва рағбат бўлади. Мазкур ўзгаришлар адаптив спорт билан шугулланаётган ёшларга ўз истеъдодини тўла намоён этиш имконини беради.

Токио шахрида ўтган XXV ёзги Сурдлимпия ўйинларида бу ўзгаришларнинг амалий

ифодаси аққол кўзга ташланди, десак муболага бўлмайди. Сурдлимпия ўйинлари — Олимпия ва Паралимпия ўйинларига ўхшаш тарзда ҳар тўрт йилда бир марта ўтказилади ва унда эшитишда ногиронлиги бўлган спортчилар иштирок этади. Ушбу йирик мусобақа 1924 йилдан буён ташкил этиб келинади.

15-26 ноябрь кунлари бўлиб ўтган XXV ёзги Сурдлимпия ўйинларида Ўзбекистон делегацияси футбол, стол тенниси, дзюдо ва таэквондо бўйича мусобақаларда иштирок этди. Спортчиларимиз мусобақада таэквондо бўйича яхши натижаларни қайд этишди.

Таэквондонинг пумсе йўналиши бўйича татамига чиққан Ўткирбек Турдалиев, Робия Мирасқарова ва Асадбек Турдибоев бронза медалларни қўлга киритди. Шунингдек, Дилбар Тожибоева (-49 кг), Шахризода Нуриддинова (-57 кг), Ҳожиакбар Ҳокимов (-58 кг) яқкалик спарнинг баҳсларида иштирок этиб, финалгача бўлган жанглрда муваффақиятга эришиб, якунда кумуш медаллар билан қифовланишди. Шоҳрўз Абдурахмонов (-68 кг) эса ярим финалда хитойлик спортчига имкониятни бой бериб, бронза медаль билан чекланди.

Таэквондонинг спарнинг баҳсларида Мафтуна Абдиосупова (+67 кг) хитойлик Лиу Линхуани мағлуб этиб, ярим финалга чиқди. Ярим финалда эронлик Шаҳбози Насибех устидан ғалаба қозониб, финалга йўл олди. Финалда кучли рақиб — хорватиялик Матеа Коловатрга қарши баҳс осон кечмади ва Мафтуна кумуш медални қўлга киритди.

XXV ёзги Сурдлимпия ўйинларидаги тарихий натижани ҳам таэквондочи қизимиз Гўзал Эшмирзаева (+67 кг) қайд этди. У қозогистонлик Аида Макатовани, сўнг юнонistonлик Мачариidou Эринигани ишончли тарзда мағлуб этиб, финалга чиқди. Финалда Жанубий Корея вакили Лее Жин Ёунг билан курашда қўли баланд келиб, Ўзбекистон тарихида Сурдлимпия ўйинларининг ilk олтин медалини қўлга киритди.

Бразилияда ўтган XXIV Сурдлимпия ўйинларида 3 та бронза медаль олган

Мамуржон АҲЛИДИНОВ, Ўзбекистон карлар спорт федерацияси бош котиби

спортчиларимиз бу сафар рекорд натижа — 1 олтин, 4 кумуш ва 4 бронза билан Ўзбекистон Сурдлимпия тарихидаги энг юқори натижани қайд этди. Энг қизиги, 14 ёшли Робия Мирасқарова бронза медаль олган энг ёш спортчи сифатида қайд этилди. Шахризода Нуриддинова эса 15 ёшида кумуш медални қўлга киритди. Робия ва Шахризода Тошкент шахридаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган қар болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 8- ва 9-синфида ўқийди.

Бу ғалабалар замирида, албатта, Ўзбекистон карлар спорт федерацияси томонидан тўлақонли шарт-шароитлар яратиб берилган ҳамда таэквондо бўйича мураббийлар — Даврон Хидиров ва Собир Назаралиевнинг йиллар давомидаги машаққатли меҳнати, фидойилиги ҳамда жамоани шакллантиришдаги хизматлари бор.

Яқинда Президентимиз Олимпия шахарчасидаги стадионда улкан спорт байрами — Президент Олимпиадасининг тантанали очилиш маросимида катта ишонч билан таъкидлаганидек, “Ҳеч шубҳасиз, янги Ўзбекистоннинг спорт тарихини юзлаб иродаси мустаҳкам, жасур ва матонатли, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ўғил-қизларимиз яратмоқда. Уларнинг боши узра Ватанимиз байроғи ҳамisha мағрур ҳилпираб турсин!”.

Бандлик



Ботир УСМОНОВ,
техника фанлари доктори, профессор

Асосий мақсад касбий ва олий таълим муассасалари битирувчиларини халқаро стандартларга жавоб бера оладиган, рақобатбардosh, юқори малакали мутахассислар сифатида тарбиялашдир. Бутун дунё бўйлаб олий таълим муассасаларининг асосий мақсад ва масъулиятларидан бири битирувчиларни асосий кўникма ва малакалар билан таъминлаб, уларни меҳнат бозорига тайёрлаш. Иш берувчиларнинг янги STEM битирувчиларига талаби ортиб борган сайин битирувчиларнинг малака талабларини яхшироқ тушунишга эҳтиёж ҳам кўпайди. Эндиликда фақат илмий даражалар етарли эмас, чуқини иш берувчилар глобаллашув даври талаблари жавоб бериш ва компаниялари рақобатбардoshлигини таъминлаш учун умумий кўникмаларга эга бўлган салоҳиятли STEM битирувчиларига муҳтож.

Жаҳон таърибасига кўра, шахснинг муваффақиятли фаолияти ва жамият тараққиётининг асоси замонавий кўникмаларга эга бўлишдир. Бироқ тез ривожланаётган иқтисодий шароитида иш берувчиларнинг талабларига жавоб бериш тобора мураккаблашмоқда. Мисол учун, Ўзбекистондаги иш берувчилар, аввало, бўлажак ходимлардан ижодий фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш ва кенг дунёқараш каби кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади. Бу эса,

МЕҲНАТ БОЗОРИНИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДЛАРИДАН БИРИ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, профессионал ва олий таълим тизимини такомиллаштириш, замонавий талабаларга мос равишда ислоҳ қилиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу ислохотлар мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, шунингдек, глобал меҳнат бозорида рақобатбардosh кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқаётир.

ўз навбатида, доимий равишда малака оширишни тақозо этади.

Замонавий касблар ва иш ўринлари одатда битта эмас, балки ўзаро боғлиқ бир неча вазифани ҳал қилишни назарда тутди ва ҳодимдан тегишли кўникмалар мажмуасини талаб қилади. Агар Х турдаги кўникма бўлмаса, ҳатто яхши ривожланган У турдаги кўникмалар ҳам талаб қилинмайди ва ўқитишни йўқотди. Мисол учун, касбий жиҳатдан малакали, аммо ижтимоий ва когнитив кўникмалари (мулоқотга киришувчанлик, жамоада ишлаш қобилияти, янги тажрибаларга очилиқ, ҳиссий барқарорлик ва бошқалар) заиф бўлган муҳандис иш берувчи учун фақат чекланган аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришдан хизмат кўрсатишга йўналтирилган иқтисодиётга тез ўтиш иш берувчилар томонидан талаб қилинадиган кўникмалар ва меҳнат бозорида мавжуд бўлганлар ўртасидаги номувофиқликка олиб келди. Малакалар номувофиқлиги битирувчиларнинг олий таълим муассасаларида ўқиш орқали олган билимлари ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган ҳақиқий кўникмалар ўртасидаги фарқдир. Бу умумий меҳнат талаби ва умумий меҳнат тақлифи ўртасидаги тафовутни билдиради. Кўникмаларнинг умумий номувофиқлиги маҳорат бўшлиқлари ва маҳорат етисмаслиги билан боғлиқ. Маҳорат бўшлиқлари эса иш берувчи ишчилар ўзларининг ҳозирги ролинн муваффақиятли бажариш учун етарли ваколатларга эга эмас деб ҳисобланадиган ҳолатлардир. Бу мавжуд ишчи кучи қорхоналар томонидан талаб қилинадиган кўникмаларга эга бўлмаганида ёки қорхоналар ишчилар эга

бўлган кўникмалардан муқобил фойдалана олмаганида юзага келади.

Кузатувлар битирувчиларнинг малакалари ва қобилиятлари ҳамда бутун дунё бўйлаб иш муҳитининг талаблари ва тақлифлари ўртасидаги тафовутнинг кенгайиши билан боғлиқ таъшиш ортб бораётганини кўрсатади. Бундай номувофиқлик ишсизлик ва тўлиқ ишсизлигини келтириб чиқарадиган, шўлаб чиқариш қувватларига тўқсинлик қилиши мумкин бўлган меҳнат бозоридаги самарасизликнинг муҳим манбан ҳисобланади. У бир ишчига



ваколатига эга. Иш берувчиларни курсни лойиҳалаш ва топширишга жалб қилиш, курс мазмунининг долзарблиги ҳақида фикр билдириш, талабалар лойиҳалари учун материаллар ва ғоялар билан таъминлаш, ташқи мутахассисларнинг маърузаларини киритиш кабилар муҳим. Шунингдек, талабаларнинг ҳаётий вазиятларда кўникмаларини қўллаш имкониятига эга бўлишлари учун инновацион ўқитиш усулларини қўллаш ва ҳақиқий баҳолашни амалга ошириш ҳам олий ўқув юртларининг ваколатига қарайди. Олий таълим ҳозирги иш жойининг доимий ўзгарувчан ва мураккаб эҳтиёжларига жавоб бера оладиган юқори малакали битирувчиларни шакллантириш керак. Битирувчиларнинг ўқиш давомида олган кўникма ва малакалари меҳнат бозори эҳтиёжларига мос келадими ёки йўқлигини баҳолаш учун STEM таълим дастурлари иш жойида талаб қилинадиган кўникмаларни қамраб олиши лозим. Олилар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига мазмунли ҳисса қўиши учун олий таълимнинг кенгайиши бозор талабига мос келиши кераклигини таъкидлайди.

Олий ўқув юртлари битирувчиларни юқори самарадорликка ва меҳнат бозорида муваффақиятли бўлишга тайёрлашга, аудиторияда ўрганилган сабоқларнинг келажакдаги мартаба имкониятлари билан қандай боғлиқлигини тушунишга ёрдам беришга ваколатлидир. Улар иш берувчиларга ўз ташкилотларининг жорий ва келажакдаги фаолияти учун истеъдодларини таллаш имкониятини бериш, шунингдек, ўз ўқув дастурларига малака ва кўникмалар стандартларини интеграция қилиш ҳамда яратиш

Олий таълим муассасалари сони, ўқишга қабул қилиш ва битирувчилар сони ортб бораётганига қарамай, Ўзбекистондаги меҳнат бозори чекланган қимдордаги битирувчиларни ўзлаштиришда давом этмоқда, шу билан бирга, ҳар йили минглаб одамлар ишсиз қолмоқда. Олий таълим

сифати, долзарблиги ва олий таълим битирувчилари кўрсаткичлари ҳамда меҳнат бозорига бўлган эҳтиёж ўртасидаги номувофиқлик муаммо бўлиб қолмоқда. Мамлакатни тубдан ривожлантириш учун малакали кадрлар етиштириш долзарб бўлиб турибди. Худди шундай, турли ҳудудлардаги иш берувчилар томонидан талаб қилинадиган қобилият етишмаслиги, техник ва бошқа кўникмалар саёзлиги ҳақида таъкидлар мавжуд, бу эса мамлакатдаги олий таълим битирувчиларининг меҳнат самарадорлиги даражаси етарли эмаслигини кўрсатади.

Мамлакатимиздаги олий таълим ташкилотлари битирувчиларини иш билан таъминлашининг ҳозирги суъратларини ошириш учун меҳнат бозоридаги малака эҳтиёжлари ва олий таълим малака талабларидаги мавжуд бўлган баъзи билим бўшлиқларини тўлдирish зарур. Бунда иш берувчиларнинг малака эҳтиёжларини тез суъратда баҳолаш ва олий таълим дастурларини ишлаб чиқишда уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш муҳимдир. У миллий ва халқаро университетлар, талабалар, иш берувчилар, сиёсатчилар ва иш билан таъминланганлик билан боғлиқ манфаатдор томонларга жорий динамик технологик даврда талаб қилинадиган кўникмаларни танқидий баҳолаш ва аниқлашда ҳамда олий таълим ва бандлиқнинг ортб бораётган халқаролашувида уларнинг ҳамкорлиқдаги сайё-ҳаракатларини кучайтириш сиёсатларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда баҳолашда ёрдам беради. Давлат университетларида муҳандислик фанлари бўйича ўсиб бораётган қабул ва битирув кўрсаткичларига манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларига асосланган миллий компетенция ва кўникмаларини ишлаб чиқишни рағбатлантиради. Бу, ўз навбатида, олий таълим ва иш берувчиларга битирув малакаларини иш берувчиларнинг малака эҳтиёжлари билан мослаштириш муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашади.

Йўл пули
тўламаган ўқувчи

Бу воқеани бир аёл айтиб берганди: “Икки ўғлим дарсдан сўнг инглиз тили бўйича ўқув марказига қатнайди. Уйим Чилонзорда, ўқув маркази “Олой” бозори яқинида жойлашган. Фарзандларим у ергача иккита автобус алмашиб боради ва шаҳар транспорт картаси — “АТТО”дан фойдаланади. Бир куни катта ўғлим хурсанд бўлиб уйга кириб келди ва: “Ойижон, бугун зўр иш қилдим, икки марта автобустга пул тўламай тушиб кетдим, ҳеч ким тўлашни талаб қилмапти” деб мактаниб қолди. Бу гапни эшитгач, устимдан кимдир совуқ сув қуйгандек бўлди. Ўғлимнинг қилган ишидан астойдил жаҳлим чиқди. Аллоҳга шукр, ўзим ҳам, хўжайиним ҳам ишлаймиз, тирикчилигимиз яхши ўтиб турибди, уйимиз, машинамиз бор. Уйда ҳамма нарсаси етарли, бошқача айтсам, йўл пулидан иқтисод қилинган маблағга қараб қолган жойимиз йўқ. Шундай экан, ўғлим нега бундай ишга қўл ўрганини тушуна олмай, бир зум ўйланиб қолдим. Чунки бугун йўл ҳақини тўламаган бола эртага мактабдан бирор нарсани ўғирлаб келиши ҳам мумкин-да. Ўғлимни бу иши учун яхшилаб қойидим. Кечқурун дадаси ҳам уришди. Унга иккинчи марта бундай қилмаслик кераклигини, бу иш ёмон эканини, бунинг учун катта жарима тўлаш мумкинлигини тушунтирдик. Шундан буён уларнинг транспорт карталари рақамларини ўз телефониimgа улаб қўйганман. Йўлгара ҳақини тўлашни мунтазам назорат қилиб бораман. Ўғилларим ҳам йўл пулини доимо тўлайдиган бўлди. Автобустга пул тўламасдан юриш нотўғри эканини тушуниб етишди”.
Онанинг кўйиниб айтган бу ҳикояси жуда оддий, афсусланишга ҳам, бировга айтишга ҳам арзимайдиган гапга ўхшайди. Аслида, тарбия шундай оддий ҳолатлардан бошланади. Она тўғри айтиди, агар болани вақтида қайтармасангиз, “Яхши иш қилибсан, ўғлим, эртага ҳам шундай қил” десангиз, у пул учун бошқа ишларга ҳам қўл уради. Бугун автобустга пул тўламасдан юришни ўрганган бола эртага такси пулини тўламасдан қочиб кетади. Учинчи куни дўконга ўғирликка тушади. Енгил пул топишга ўрганган ўсмирни кейин бу йўлдан қайтара олмайсиз. Хуллас, бу яхшиликка олиб бормайди.

Ёш боланинг танбеҳи
Бир ўртоғим ўтган асрнинг охириларида Рига шаҳрига борган экан. Кўчадаги кичик дўкончадан музқаймоқ сотиб олибди ва еб бўлгач, музқаймоқ ўралган қоғозни йўл четига ташлабди. Шунда ортидан бир ёш боланинг бақирган овози эшитилибди. Қайрилиб қараса, мактаб формаси кийган ўн-ўн бир ёшлардаги болакай унга ўз тилида нималардир дебди. “Тилини билмасам-да, лекин ҳаракат ва имо-ишораларидан унинг нега қоғозни кўчага ташлашнинг, тезда олиб, чиқинди қутисига ташла деётганини тушунадим. Бегона шахарда эдим, ҳеч бир танишим бу воқеани кўрмаётганди. Шундай бўлса-да, аввало, ўз ишимдан, қолаверса, шу ёш боладан дашном эшитганимдан хижолат бўлдим, уялиб кетдим”, деганди у.

Бизда ҳам музқаймоқ ёки бошқа бирор егуликни еб, қутисини кўчага ташлаш ҳоллари кўп учрайди. Болалар ҳам, катталар ҳам қилади бу ишни. Лекин уларга мактаб ўқувчилари у ёқда турсин, катталар ҳам танбеҳ берганини кўрмаганман. Аксинча, баъзи ота-оналар болаларига музқаймоқни еб бўлгач, қоғозини кўчанинг четига ташлаб юборишни маслаҳат беради. Бола эса ота-онаси ёки акаси айтган ишни қилади.
Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, атроф-муҳитни асрашни, ифлослантормасликни, умуман, чиқиндиларни кўчага эмас, махсус қутиларга ташлаш кераклигини болаларга ёшлигидан ўргатишимиз керак. Уларга уйда, богчада, мактабда бу ҳақда гапиришимиз шарт. Ригада ўртоғим билан бўлган воқеа, уни ёш бола хижолат қилгани шундай тарбиянинг меvasи.
Энг муҳими, ўзимиз болаларга ўрناк бўлишимиз лозим. Кўчада фарзандимиз шундай иш қилса, унга бу иши нотўғри эканини тушунтирсак, керак бўлса, ташланган чиқиндини ўзига олдириб, махсус қутига ташлаттирсак, у бундай номақбул ишни иккинчи марта такрорламайди. Чиқиндини қутига ташлашни одатга айлантиради. Шунда улар атроф-муҳитни асраш барчаннинг иши, бурчи эканини ёшлигидан англаб етади.

Лифтлар кимлар учун?
Пойтахтимиздаги ер усти метро йўлининг “Технопарк” бекатидан ер ости метро йўлининг “Дўстлик” бекатига ўтадиган йўлда иккита лифт бор. Улардан бири бир қават юқорига олиб чиқади, иккинчиси уч қават пастга олиб тушади. Албатта, бу лифтлар, биринчи навбатда, ногиронлар, кексалар, болали аёллар учун мўлжалланган. Лифт эшиги олдига ҳам катта ҳарфлар билан ногиронлар, кексалар, болали аёллар учун экани ёзиб қўйилган.
Лекин қачон қараманг, поезд тўхташи билан ёш йигит-қизлар чопиб келиб, лифтни эгаллаб олади. Бунн кўрган кексалар индамай зинадан юқорига кўтарилди ёки пастга тушади. Ёшларга бу лифт махсус кишилар учун эканини тушунтирмоқчи бўлсангиз, уялмай, қизармай чарчаганини, фойдаланишга ҳаққи борлигини айтди.
Метрода, автобуста тез-тез ногиронлар, болали аёллар ва кексаларга жой бериш кераклиги эслатиб турилади. Дунёнинг бошқа давлатлари жамоат транспортда бундай гаплар айтимайди. Ёшлар кексаларга, ногиронларга, болали аёлларга жой беришга мажбур ҳам эмас, албатта. Бу одатни муслмонликка боғласангиз, кўплаб муслмон давлатларда ҳам ёшлар катталарга жой бермайди.
Юқоридагилардан хулосага келиш мумкинки, кексаларга, ногиронларга, болали аёлларга жой бериш, ҳурматини жойига қўйиш Марказий Осиё халқлари, айниқса, ўзбекларга хос урф-одат, менталитет, қадимдан шакланган ҳурмат белгиси. Чунки минг йиллардан буён шу анъана билан яшаймиз, ўзимиздан катталарни кўрсак, биринчи бўлиб салом берамиз, ҳурматини жойига қўямиз, қўлида юки бўлса, олиб кўтарамиз, автобус ёки метрода тик туриб қолса, жойимизни бўшашиб берамиз.

Афсуски, сўнгги йилларда шу қўтлуг анъаналар эсдан чиқа бошлади. Жамоат транспортда ерни урса талқон қиладиган ёш йигит-қизлар ёнида ҳасаса суяниб кетаётган бобоси тенги отахон ёки онахонга, фарзандини қўлида кўтариб турган аёлга жой беришни ўйламайди. Сал уялгани ўзини уйқўга солади ёки телефонига термилиб, атрофдагиларни кўрмасликка олади.
Тўғри, ёшларнинг ҳаммаси ҳам ундай эмас, лекин улар сафи йилдан йилга кўпайиб бораётгани ҳам ҳақиқат. Вақт ўтиши билан бу яхши анъана мулқоқ унутилиши ҳеч гап эмас, назаримда.
— Жамоат транспортда ногиронлар, кексалар, болали аёлларга жой бериш ўзга хослигимиз, одобимиз, тарбиямиз белгиси, — дейди Чилонзор туманидаги “Баҳористон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Иброҳимов. — Юртимизга келган чет эллик сайёҳлар бу одатимизни кўриб, ёшларимизга ҳавас қилади. Назаримда, биз шундай ажойиб, ҳаммани ҳавасини келтирадиган одат-ғиримизни, ўзбекчилигимиз белгиларидан бирини унутиб қўйяймиз.
Хўш, нима учун ёшлар бундай ҳолатга келди? Бунинг сабаблари кўп. Аввало, турли хорижий сериаллар, иккинчидан, ижтимоий тармоқларнинг таъсири бу. Энг муҳими ва асосийси, ота-она уйда кечқурун фарзандларни учун ярим соатгина вақт ажратиб: “Болам, кексаларни ҳурмат қилиш керак, уларни кўчада кўрсанг, салом бериш керак, жамоат транспортда уларга жой бериш керак”, деб ўргатмайди. Шу боис, айрим болалар оддий саломлашишни ҳам билмайди.

маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Иброҳимов. — Юртимизга келган чет эллик сайёҳлар бу одатимизни кўриб, ёшларимизга ҳавас қилади. Назаримда, биз шундай ажойиб, ҳаммани ҳавасини келтирадиган одат-ғиримизни, ўзбекчилигимиз белгиларидан бирини унутиб қўйяймиз.
Хўш, нима учун ёшлар бундай ҳолатга келди? Бунинг сабаблари кўп. Аввало, турли хорижий сериаллар, иккинчидан, ижтимоий тармоқларнинг таъсири бу. Энг муҳими ва асосийси, ота-она уйда кечқурун фарзандларни учун ярим соатгина вақт ажратиб: “Болам, кексаларни ҳурмат қилиш керак, уларни кўчада кўрсанг, салом бериш керак, жамоат транспортда уларга жой бериш керак”, деб ўргатмайди. Шу боис, айрим болалар оддий саломлашишни ҳам билмайди.

Аслида, бунинг учун алоҳида вақт ажратиш шарт эмас. Уйга меҳмон келганда ёки отангиз ва онангиз ишдан қайтганда, ўйнаб юрган болангизга “Қани, бобонгга ёки бувингга ассалому алайкум деб салом бер-чи, уларга автобуста, метрода жой бериш, қўлида юки бўлса кўтариш керак”, деб ўргатсангиз, бола шунга ўрганади. Узидан каттани кўрса, салом берадиган бўлади. Кексаларни ҳурмат қилиш, ногиронларни эъзозлаш, юқориди айтганимиздек, узоқ тарихдан боболаримиздан бизгача етиб келган оддий ўзбекона одат. Наҳотки, шунн ҳам унута бошладик. Афсус!

Фарзандга ота-она намуна
Фарзанд тарбиясининг кўплаб усуллари бор. Болани ўргатиш, тушунтириш, уришиш, тарбияга алоқадор эртақлар айтиш ёки ўқиб бериш, таққиллаш орқали тарбиялаш мумкин, лекин энг самарали усул намуна ўрсатишдир. Бунда асосий ролни ота ва она бажаради. Бола улгайиш жараёнида ҳамма нарсани асосан атрофдаги катталардан ўрганади. Улардан ибрат олиб, уларга тақлид қилиб, ҳаётий тажриба орттира боради. Хуллас, истаъизми, йўқми, оиладаги муҳит болани тарбиялайди. Бошқача айтсак, қуш уясида кўрганини қилади.
Ота дангаса, ишёқмас, эринчоқ бўлса, яқинларидан хабар олмаса, уларга ердам бермаса, ўғил ундан ўрнак олади. Ёшлигидан ишёқмас, бемечр бўлиб ўсади. Она каттазанг, мактанчоқ ёки ғийбатчи бўлса, бу хусусий ўз-ўзидан қизига ҳам ўтади. Кўча-кўйда, мактабда ҳаммага мактабини юради, ёнидаги қизлар ҳақида ҳар хил ғийбат гаплар тарқатишда уялмайдиган бўлади.
Эътибор берган бўлсангиз, айрим оилаларда тўйдан ҳеч қанча вақт ўтмай турли муоммолар юзга келади. Куёвнинг тайинли бирор иши, оилага бош бўлиш, оилани моддий таъминлаш лаёқати йўқлиги, келиннинг ўқувсизлиги, оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, янги оила, унинг муҳитига қўника олмаётгани, ҳатто оддий овқат пиширишни ҳам билмаслиги бунга сабаб бўлади.
Натижада айрим ёш оилалар кўп яшамасдан ажралиб кетишяпти. Сабабини сўрасангиз, дунёқарашларимиз тўғри келмади, бир-биримизни тушунамадик дейди. Хўш, бир-бирини тушунамаслик нима? Қиз ёки йигитнинг оддий ўзбекча урф-одатларини, удуларни билмаслиги, дунёқарашлари тўғри келмаслигининг сабаби ҳам шу.
Бир кўншим бор эди. Эри ўқитувчи, хотини тадбиркор. Хотин бозорда дўкони бўлгани учун ўзини босомали қолган, эрининг ҳурматини жойига қўймади. Шу боис, оилада баззан турли келишмовчиликлар, жанжаллар бўлиб туради. Бечора эр учта қизи учун шу аёл билан чидаб яшарди. Баззан бу ҳақда бизга ҳам гапириб қоларди: “У билан бир кун ҳам яшамасдим, қизларим етим бўлмасин, бировларнинг қўлида қолмасин, дейман-да”. Қизлар эса

жанжалларда она тарафда бўларди.
Йиллар ўтди. Бирин-кетин қизлар воёга етиб, турмушга чиқди. Тақдирини қарангки, уч қизнинг ҳаммаси орадан олти ой-бир йил ўтгач, уйига қайтиб келди.
Кичик қизининг қайнотасини танирдим. Ундан ўғлининг уйи бузилиши сабабини сўрадим. Унинг айтишича, келини эрини ҳурмат қилмаган, оилада ўз гапини ўтказишга интиланган. Ўғли эса бундай муоммаларга чидамаган. “Бизнинг уйда ҳамма масала эркак билан маслаҳатлашиб ҳал этилади. Ўғлим шу муҳитда катта бўлган. Келин эса оилани бошқармоқчи бўлди. Бунга ўғлим кўнмади. Хуллас, иккиси келиша олмади”, деди.
Юқориди таъкидлаганимиздек, отанинг онага муносабатига қараб, ўғил тарбия олади. Шунингдек, онанинг отага муносабатига қараб қиз ҳам ўзини бўлажак турмуш ўртоғига нисбатан қандай муносабатда бўлиш кераклигини ўрганиб боради. Юқориди воқеа гапимизга исбот. Дўкондор онадан қизлар турмуш ўртоғига муносабатни ўрганган. Натижасини эса кўриб турибсиз. ***
Машҳур муҳаддис Санд ибн Мансур “Фарзандларингиз ва аҳлилингизга яхшиликни татилин беринглр, уларга одоб ўргатинглр”, дейди. Демак, ота-она фарзанд учун намуна.
Кейинги пайтларда фарзандларимиз тарбиясидаги нуқсонлар, улар оддий ўзбекона одатларини ҳам унутаятгани, уларга бефарқ қараётгани ҳақида кўп гапираймиз, ёзаямиз. Лекин негадир йигит-қизларимиз тобора фарб ахлоқ-одоби таъсирига тушиб борапти. Бу масала ҳатто давлатимиз раҳбарини ҳам ташвишга соляпти. Мақолага Президентимизнинг қуйдаги гаплари билан нуқта қўймоқчимиз:
“Илм-маърифат ва касб-хўнарга интилиш, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, қадриятларимизга садоқат каби эзгу фазилатлар азалдан халқимиз, миллатимизнинг қонида бўлиб келган. Биз мана шундай бебаҳо меросимизни нафақат асрашимиз, балки уни янада бойитишимиз, келгуси авлодларга безавол етказишимиз керак...
Қанчалик қийин бўлмасин, биз ёшлар тарбияси бўйича ўзимизга хос ва таъсирчан, бутунгн кунга ҳомоҳанг усулларни излаб топишимиз керак. Жондан азиз фарзандларимизни бузғучни ва зарарли ғоялар, жноиятчилик, ғийҳандлик, лоқайдлик, маънавий қашшоқлик қайфиятидан асрашимиз зарур. Бундай салбий ҳолатларни бартараф этишда барчамиз, аввало, сиз, азиз ёшлар фаол бўлишингиз керак. Халқимизнинг маънавий қудрати ва боқий анъаналарини асраб-авайлаш ва бутун дунёга тараннум этишга сизлар албатта қодирсиз”.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бугуннинг гапи

Мухайё ИСМОИЛОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази
Тошкент шаҳри бўлими раҳбари

Ачинарлиси, кўп ҳолларда эзгу ниятлар билан бошланган ишлар янги ҳаётнинг илк қадамларидек катта қарзлар, ота-оналарнинг моддий қийинчилиги ва ёш келин-кув ёлқасидидагигир руҳий юк билан бошланиши оддий ҳолга айланиб бормоқда. Биз фарзандларимизга бахт саройини қуриб бериш ўрнига, уларнинг

Жамиятимиз танасида йиллар давомида чуқур илдиэ отиб, бугунги кунга келиб огрикдли ярага айланган бир иллат мавжуд. Бу умумий дабдабазозлик, яъни нафақат тўй базмлари атрофидаги ортиқча сарф-харажатлар, балки бошқа маросимлар, уй-жой қуриш, машина ёки ҳатто оддий маиший техника ва телефон сотиб олишдаги кимўзарга айланган исрофгарчилик ва сохта шухратпарастлик саналади.

бўйинга йиллар давомида узилайдиган қарз занжирини ilmoқдамиз. Бу ҳолат нафақат оилавий бюджетга, балки инсонларнинг руҳий хотиржамлигига ҳам жиддий путур етказмоқда. Аини носоглом муҳит замирида “бировдан кам бўлмаслик” деган янглиш тасаввур, “Одамлар нима дейди?” қабилидаги эскича қарашлар ва, афсуски, маънавий қашшоқлик ётади. Асл қадриятлар ўрнини сохта обрў эгаллаётган бир вазиятда инсоннинг қимлиги унинг маърифати ёки одамийлиги билан эмас, балки қанчалик дабдабали тўй қилгани, қандай ҳашаматли уй қургани, қандай либос кийгани, қайси русумдаги сўнгги модель телефон ишлатиши ёки қайси русумдаги машинада юргани билан ўлчанадиган хатарли мезон шаклланоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, жамиятда чуқур ижтимоий табақаланишга,

одамлар ўртасида ҳасад ва норозилик қайфияти кучайишига олиб келиши мўкаррар.
Энг ёмони, бу иллатлар миллий анъана нико-би остида яширилмоқда. Ваҳоланки, халқимизнинг асл тўй маросимлари ҳеч қачон бундай исрофгарчилик ва манмалликка асосланмаган. Аксинча, улар маҳалла-қўй бирдамлигини, оилалар жипслигини, самимият ва меҳр-оқибатни намоён этувчи ижтимоий институт вазифасини ўтаган. Тонналаб озиқ-овқатнинг увол бўлиши, бир кунлик намойиш учун четдан машиналар ёлланиши ёки келин-куёвнинг эмас, балки тақлиф этилган “юлдуз”нинг обрўси муҳим бўлиб қолиши — буларнинг барчаси асл қадриятларимизга мулқоқ зиддир. Бундай сохта кўрнинишлар нафақат тўйларда, афсуски, бошқа маросимларда ҳам учраб тургани миллат маънавияти учун янада ачинарли ҳол.
Олдимизга Уччинчи Ренессанс пойдеворини қуришдек буюқ вазифа қўйилган бир паллада жамиятда моддиятчиликнинг бу қадар авж олиши ўта ташвишли. Тарих гувоҳлик берадики, ҳар икки Ренессанс ҳам, аввало, маънавий уйғониш, илмга интилиш ва тафаккур юксалиши орқали рўй берган. Буюқ ажодларимиз бойлиқни китобда ва илмда, инсон камолотини эса дабдабада эмас, маърифатда деб билган. Янги Ўзбекистонни қуришга бел болаган эканимиз, ёшларимиз ҳам “Кимнинг тўйи зўр ўтди” деган майда баҳслар билан эмас, балки

янги кашфиётлар, илмий ютуқлар ва интеллектуал салоҳият билан дунёга юзланиши керак. Дабдабали маросимлар ва кераксиз буюмларга сарфланаётган ўн минглаб долларлар ёш оиланин таълимига, уй-жой шароитига ёки кичик бир тадбиркорлиқни бошлашга йўналтирилса, бу нафақат бир оила, балки бутун жамият ривожига хизмат қилган бўлар эди.
Жамиятда “оқилона истемол” маданиятини шакллантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Оқилона истемолмушунчаки тежамкорлик эмас, балки ҳар бир харидни онгли равишда амалга ошириш, буюмининг зарурлигини унинг “обрў” учун сотиб олинадиган мақомидан устун қўйиш демакдир. Биз кўпична “керак” бўлгани учун эмас, “бошқаларда бор”лиги учун харажат қиламиз. Бундай ёндашув нафақат исрофгарчиликка, балки бутун дунё миқёсидаги катта муаммога — табиий ресурслар тугаб боришига ҳам “ҳисса” қўшмоқда. Сув, энергия, ҳомашё — буларнинг барчаси чекланган. Ҳар бир кераксиз либос, ҳар йили алмаштириладиган телефон ёки ортиқча озиқ-овқат увол бўлаётган ресурслардир. Шундай экан, оқилона истемол маданиятини кучайтириш нафақат дабдабазозликка барҳам беради, балки табиатни асрашга ва келажак авлод олдидаги масъулиятимизни англашга мўмаклашади.
Албатта, давлатимиз томонидан бу борада тегишли ҳуқуқий меъёрлар қабул қилинган

газетадаги МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусахҳх: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳқа́маси

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун оубани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1146. 34685 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусахҳх: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўза яқуни — 01:46 Топирилди — 01:46